30 АВГ 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 169 (21. 036) 1991 йил 31 август, шанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

БУГУН ЭРТАЛАБ СОАТ 10 ДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛАДИ

ТАРИХИЙ КУН БУГУН

БУГУН Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси ўз ишини бошлайди.

Халқ депутатлари бу сессияга ўзгача кўтаринки руҳ билан келдилар. Улар илк бор Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини қонуний кучга киритиш, халқнинг эзгу орзусини амалда рўёбга чиқариш, эртанги куннинг умид чироғини ёқишдек тарихий масалани муҳокама этадилар.

Халқ иродасига қулоқ солиб, унинг қалб амрига лаббай, деб отилиб чиққан сардорларимизга ҳам, минглаб сайловчиларнинг Олий Кенгашдаги вакилларига ҳам, бу тарихий сана ижодкорларига ҳам омад ёр бўлсин.

«Совет Ўзбекистони» рўзномаси таҳририяти, жамоаси, кўп сонли муштарийлари бугунги анжуманнинг барча қатнашчиларига муваффақиятлар тилаб қолади.

Асрлар ўтар, лекин бугунги куннинг аҳамияти, қадр-қиммати абадиятга дахлдор бўлиб қолаверади. Бугунги кун — Ўзбекистоннинг мустақиллик куни, халқимиз янги Байроқ остида янги куч, янги ғайрат билан бирлашган, жипслашган, аҳиллашган, биродарлашган кун сифатида солномаларда бир умрга қолади, ардоқланади.

ИШЧИЛАР СЎЗИ

ТОШКЕНТДАГИ АГРЕГАТ ЗАВОДИ КОММУНИСТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИНИНГ ҚЎШМА ПЛЕНУМИ ХУЛОСАЛАРИНИ МАЪҚУЛЛАМОҚДАЛАР

Пленум ҳужжатлари матбуоатда эълон қилингандан сўнг коммунистлар билдираётган фикр ва мулоҳазалар билан танишиш мақсадида шу заводда бўлдик. Корхона партия ташкилоти котиби Владимир Мамадалиевни 1-цех коммунистлари даврасида Ўзбекистон коммунистлари ҳаётида бурилиш нуқтаси бўлиб қоладиган қўшма Пленум қарори хусусида суҳбатлашиб турганида учратдик.

— Заводимизда 13 та цех партия ташкилоти бор. Уларга 200 коммунист бирлашган, — деди у. — Биз бугун эрталабданоқ қўшма пленум ҳужжатларини ўрганишга киришдик. Тушлик пайтида цех ва участкаларда коммунистларнинг давра суҳбатлари ўтказила бошланди. Партия комитетининг барча аъзолари ўзига хос ана шундай мулоқотларда иштирок этяпти. Шунингдек, зудлик билан ташкил этилган махсус лекторлар гуруҳи ҳам пленум ҳужжатларини тушунтиришда цех партия ташкилотларига ёрдам бермоқдалар.

— Мен ўзим Марказком биринчи котиби И. А. Каримовнинг пленумда сўзлаган маърузасини ўқиб чиқдим, — дейди Владимир Тошканбоевич. — Унда мамлакат ва Компартия ички ҳаётида кейинги пайтларда содир бўлаётган воқеаларга жуда тўғри баҳо берилган. Мен ўзимни ташвишга солиб келаётган ва ҳозир ҳар бир коммунистнинг қалбида пайдо бўлган кўпдан-кўп саволларга мана шу маърузани ўқиб тўла жавоб топа олдим. Илгари Ўзбекистон Компартияси XXII съезди иккинчи босқичида мустақил Ҳаракат дастури ва партия Устави қабул қилинганида баъзилар бунинг моҳиятига яхши тушунмай КПССнинг тегишли ҳужжатлари бўла туриб, биз шундай қилишимиз зарурмиди, деган эдилар. Республика Компартияси ўшанда жуда ҳам оқиллик билан иш юритгани, мана энди КПСС бошига ташвиш тушганида маълум бўлиб қолди. Биз албатта республикамиз Компартиясини ҳар жиҳатдан мустақил партия қилишимиз зарур. Чунки, КПССдан фарқли тарзда Ўзбекистон Компартиясининг сўзи ва амалий иши доим бир бўлиб келди, у фақат халқ манфаатини ўйлади ва ана шу манфаатга хизмат қилди. Шу жиҳатдан олганда у халқимиз наздида ўз обрўсини йўқотгани йўқ.

Суҳбатга цех партия ташкилоти котиби Тўхтамурод Раҳматуллаев қўшилди.

— Оддий коммунистман. Аммо партиявий, хонадонимиз вайрон бўлаётгани ҳамма қатори мени ҳам жиддий ташвишга соляпти. Партиямизнинг бундан буёнги тақдири қандай кечади? Нима учун мана шундай ҳолга келиб қолдик? Нега мамлакат коммунистлари билан маслаҳатлашмай, марказда унинг тақдирини ўзларича ҳал қилиб юборишяпти? Партия раҳбарларининг шундай қилишга маънавий ҳақ-ҳуқуқлари борми? Ана шундай саволлар цехимиз коммунистларини жуда ҳам ўртаб юборяётган бир пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Марказий Назорат комиссиясининг қўшма Пленуми мана шу саволларга тўла жавоб берди. Мен Марказком биринчи котиби И. А. Каримовнинг маърузасини ўқир эканман, тўғрисини айтганда енгил нафас олдим. Чунки, у партия ички ҳаётида кейинги бир неча кун ичидагина эмас, бир неча йил давомида содир бўлган воқеаларнинг асл моҳиятини, партия обрўси нима учун шу қадар тез барбод бўлаётгани сабабларини очиқ-ойдин кўрсатиб берди. Мен Пленум берган баҳога оддий коммунист сифатида тўла қўшиламан. Шунингдек, ҳақиқий халқпарвар, фақат элнинг манфаатини кўзлаб фаолият кўрсатаётган ўз мустақил партиямизни тузиш тарафдориман. Мана шу воқеа цехимиз коммунистларининг йиғилишида ҳам муҳокама қилинди ва ҳамма шу фикрни тўла қўллаб қувватлади.

10-цехимизда 26 коммунист бор, — дейди смена бошлиғи Эргаш Чориев. — Жамоамиз ўртасида пленум ҳужжатларини биргаликда ўқиб-ўрганишни ташкил этганмиз. Лекторлар группаси бу ишга яқиндан ёрдам бермоқда. Цех партия ташкилотининг ягона фикри — ҳар қандай шароитда ҳам кишилар ўртасида барқарорликни, осойишталикни, тинчлик ва миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш лозим. Республика Компартияси мана шу йўналишда ўзининг бутун қувватини сарфлаётгани бутун ҳаммага маълум. Шунингдек, одамларнинг қорнини тўйдириш, кийинтириш, уларни ишга жойлаштириш, кам миқдорда бўлса ҳам бир оила ва ҳар бир кишининг яшаши учун зарур бўлган барча нарсалар билан аҳолини узлуксиз таъминлаб туриш унинг дастуридан алоҳида ўрин олган. Партиямиз ўз фаолиятида ана шунга қатъий амал қилаётган экан, республикадаги ҳар бир фуқаро уни тўла қўллаб-қувватлайди. Амалда ҳам ана шундай бўляпти.

Агрегат заводи коммунистларининг республика Компартияси Марказий Комитети ва Марказий Назорат Комиссияси қўшма пленуми қарорига муносабатлари ана шундай. Улар мустақил республика Компартиясини тузиш ҳақидаги фикрни тўла қўллаб-қувватлаяптилар.

М. КОЗИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

2 сентябрь — Билимлар куни

МАКТАБ. ТАРБИЯ. ЭЪТИҚОД

Ҳадемай билим масканларида қўнғироқлар янграйди. Илк бор мактабга, билим юртлари, техникум ва олий ўқув юртларига қадам қўяётган йигит-қизларнинг қувончини айтмайсизми? Улар билим даргоҳларидаги шонли анъаналарни изчил давом эттиришга сўз берадилар.

Кейинги йилларда Ўзбекистон жумҳурияти Президенти И. А. Каримовнинг мактаб ўқитувчиларига енгиллик бериш, бошланғич синф ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлаш сингари бир неча фармонлари халқ таълимини янги босқичга кўтариш учун олға қадам бўлди. Бу фармонлар туфайли бошланғич синф ўқитувчилари иш ҳақи 35 фоиз, юқори синф ўқитувчилари маоши 15 фоиз кўпайди. «Халқ ўқитувчиси», «Хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвонларига эга бўлганларнинг иш ҳақларига қўшимча ҳақ тўлаш кўзда тутилди. Ўзбекистон жумҳурияти Халқ таълими вазирлигининг таклифига кўра ушбу ҳолат «Хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвонига сазовор бўлганларга ҳам татбиқ қилинади.

Жумҳуриятимизда янги-янги доирилфунунлар, институтлар ташкил этилди. Асосийси эса, ўнлаб талабаларимиз хориждаги энг яхши доирилфунунларда ўқиш, тарбия олиш ва мураббийлар тажрибасини ўрганишдек имкониятга эга бўлдилар. Эндиликда талабаларнинг бирдан-бир вазифаси — фақат сифатли ўқиш ва изланишдан иборатдир.

Ҳа, қўнғироқ янграяпти. 1991—92 ўқув йили бошланяпти.

Суратда: ўқувчи мактаб бағрида.
Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

(Билимлар кунига бағишланган саҳифани рўзноманинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

ҚЎШМА ПЛЕНУМ

● ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон республика комитети билан республика партия ташкилоти назорат комиссиясининг 30 август куни бўлган қўшма пленумида навбатдан ташқари Қорақалпоғистон республика партия конференциясини 1991 йил 9 сентябрда чақиришга қарор қилинди. Республика партия конференциясига, шунингдек, Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съездига делегатлар сайлаш тартиби кўриб чиқилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон республика комитетининг биринчи котиби, республика Олий Кенгашининг Раиси Д. Н. Шамшетов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

* * *

● ХОРАЗМ

30 август куни Хоразм вилоят партия комитети билан вилоят назорат комиссиясининг қўшма пленуми бўлди. Унда вилоят XXV партия конференциясини чақириш муддати, кун тартиби, конференцияга ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съездига делегатлар сайлаш тартиби муҳокама қилинди.

Хоразм вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Р. М. Худойберганова маъруза қилди.

Вилоят партия конференциясини 1991 йил 7 сентябрь куни чақиришга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

* * *

● БУХОРО

30 август куни Бухоро вилоят партия комитети билан вилоят назорат комиссиясининг қўшма пленуми бўлди.

Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Советининг раиси Д. С. Ёдгоров Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссияси қўшма Пленумининг якунлари ҳақида пленум қатнашчиларига ахборот берди.

Пленумда «XXV вилоят партия конференциясини чақириш муддатлари, вакиллик меъёри ва кун тартиби, Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съездига, XXV вилоят партия конференциясига делегатлар сайлаш тартиби тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан пленум тегишли қарорлар қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

Юзага келган ижтимоий-сиёсий шароитда ошкоралиқнинг аҳамияти ўсиб бораётганлигига, республика давлат мустақиллигига эришиш учун қатъий йўл тутилганлигига асосланиб ҳамда демократик жараёнларни ривожлантиришда қонун чиқарувчи ҳокимиятни, Олий Кенгаш ва унинг идораларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати Олий Кенгашнинг ошкоралик ва депутатлик одоби комиссиясини Олий Кенгашнинг ошкоралик масалалари қўмитасига ва Олий Кенгашнинг депутатлик одоби комиссиясига айлантирди.

Раёсат ўзининг 1991 йил 29 июлдаги 324-XII қарори ўз кучини йўқотган деб топди ва депутатлар Э. В. Воҳидова ҳамда депутатлик одоби комиссиясининг раиси вазифасини бажариш юклатилган Э. Т. Шайховга республика Олий Кенгашининг навбатдаги сессиясида қараб чиқмоқ учун тегишли қўмита ва комиссиянинг таркиби тўғрисида таклифлар тайёрлашни топширди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДА, СССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИНИНГ ҚЎШИНЛАРИДА, СССР ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ИЧКИ ҚЎШИНЛАРИДА ВА ТЕМИР ЙЎЛ ҚЎШИНЛАРИДА ҲАРБИЙ-СИЁСИЙ ОРГАНЛАРНИ ТУГАТИШ ҲАҚИДА

1. СССР Қуролли Кучларида, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг қўшинларида, СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинларида ва темир йўл қўшинларида ҳарбий-сиёсий органлар тугатилсин. Ташкилий тадбирларни ўтказиш чоғида тугатиладиган органлар шахсий таркибининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига қатъий риоя этилиши таъминлансин.

2. СССР Мудофаа вазирлиги билан СССР Ички ишлар вазирлиги қўшинларидаги тарбиявий ишни тубдан яхшилаш чораларини амалга оширсинлар.

3. Қуйидаги фармонлар:

СССР Президентининг «СССР Қуролли Кучларидаги, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг қўшинларидаги, СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинларидаги ва темир йўл қўшинларидаги сиёсий органларни ислоҳ қилиш тўғрисида»ги 1990 йил 3 сентябрь фармони (СССР халқ депутатлари съездининг ва СССР Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1990 йил 37-сон, 711-модда);

СССР Президентининг «Ҳарбий-сиёсий органлар тўғрисидаги умумий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1991 йил 11 январь фармони (СССР халқ депутатлари съездининг ва СССР Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1991 йил, 3-сон, 75-модда) ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1991 йил 29 август.

СССР Олий Кенгашининг қарори

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИГА ИШОНЧСИЗЛИК ҲАҚИДА

СССР Олий Кенгаши СССР Президентининг «СССР Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» чиқарган ва СССР Вазирлар Маҳкамасига ишонч тўғрисидаги масала қўйилган 1991 йил 24 август фармонини кўриб чиқиб, СССР Конституциясининг 130-моддасига биноан **қарор қилади:**

1. СССР Вазирлар Маҳкамасига ишончсизлик билдирилсин.

2. СССР Вазирлар маҳкамасининг янги таркиби тузилгунга қадар мамлакат халқ хўжалигини республикалар билан биргаликда оператив бошқаришни уюштириш учун ўртоқ И. С. Силаев бошчилигида СССР халқ хўжалигини оператив бошқариш комитети тузилсин.

СССР Олий Кенгаши
Москва, Кремль.
1991 йил 28 август.

СССР Олий Кенгашининг қарори

В. С. ПАВЛОВНИ СССР БОШ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ҲАҚИДА

СССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

В. С. Павлов ғайриконституциявий фитнада қатнашганлиги учун СССР Иттифоқи Прокуратураси унга нисбатан жиноий иш қўзғаганлиги муносабати билан СССР Президентининг «В. С. Павловни СССР Бош вазири вазифасидан озод қилиш ҳақида»ги 1991 йил 22 август фармонига розилик билдирилсин.

СССР Олий Кенгаши
Москва, Кремль.
1991 йил 28 август.

СССР Олий Кенгашининг қарори

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ БЕШИНЧИ СЪЕЗДИ КУН ТАРТИБИГА КИРИТИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари бешинчи съездида муҳокама қилиш учун қуйидаги масалаларни киритиш тавсия этилсин:

1. Мамлакатдаги сиёсий вазият ва давлат тўнтариши оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги долзарб тадбирлар тўғрисида (СССР Президенти М. С. Горбачев маърузаси).

2. СССР Олий Кенгашининг Раиси ҳақида.

3. СССР вице-президенти тўғрисида.

4. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларацияси ҳақида.

5. Литва Республикаси, Латвия Республикаси ва Эстония Республикасининг уларнинг мустақиллиги ҳақидаги декларацияларини тан олиш тўғрисидаги мурожаатлари ҳақида.

6. СССР Олий Кенгаши таркибини янгилаш тўғрисида.

7. СССР Конституциясига ва ССР Иттифоқининг бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида.

8. СССР Бош прокурори тўғрисида.

9. СССР халқ депутатлари съездининг мандат комиссияси раиси ҳақида.

СССР Олий Кенгаши.
Москва, Кремль.
1991 йил 29 август.

УЗУМ БОЗОРИ ЧОРЛАЙДИ

БУГУН ТОШКЕНТНИНГ ЛЕНИН НОМЛИ МЕТРО БЕКАТИ ЕНИДА ЖОЙЛАШГАН САБЗАВОТ ВА МЕВА ДУКОНЛАРИ МАЙДОНИДА КАТТА УЗУМ БОЗОРИ БОШЛАНАДИ. БУ ТАДБИРНИ КИРОВ РАЙОН УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО КОРХОНАСИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА.

— Ҳозирги ғарқ пишиқчиликдан оқилона фойдаланиб ана шу ҳаммага манзур бўладиган тадбирни ўтказишга тайёргарлик кўрдик, — дейди корхонага қарашли 20-магазин мудири Абдулла Орипов. — Узум бозорида корхонамизга қарашли 1, 7, 18, 4, 21- ва бошқа магазинларнинг жамоалари ўзининг савдо хизмати билан қатнашади. Пештахталарга пойтахт вилоятининг Паркент ноҳиясидаги хўжаликлардан келтириладиган рангбаранг узум навлари савдога қўйилади.

Узум бозорида СССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат рақс ансамблининг катта жамоаси очиқ саҳналарда сайл қатнашчиларига ўз санъатини намойиш этади.

Бизнинг дўконимиз ходимлари аҳолининг дастурхонини тўкин қилиш мақсадида Паркент, Янгийўл районлари хўжаликлари деҳқонлари етиштирган сабзавот ва мева маҳсулотларини пешма-пеш савдога чиқаришмоқда. Шу ойнинг ўзида 70 минг сўм савдо қилинган бўлса, келгуси ойда бу рақам 100 минг сўмга етказилади. Корхонамиз ўзаро келишувга биноан Польшадан келтирадиган картошка маҳсулотларининг бир қисмини бизнинг дўконимизда сотади.

ВАЗИРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Биринчи дарс: НАВОИЙ САБОҒИ

Ж. ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон халқ таълими вазири

Бу йилги янги ўқув йили улуғ мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига тўғри келяпти. Алишер Навоий ижодий меросини чуқур ўрганиш, ундан халқ таълими тизимиздаги маданий ва маърифий ишлари ҳал этишда кенг фойдаланиш, фарзандлар қалбига буюк даҳо ғояларини сингдириш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг кўрсатмасига мувофиқ, 1991-92 ўқув йилида умумтаълим, ҳунар-техника, ўрта махсус ва олий мактабларида машғулотлар «Навоий сабоқлари» дарси билан бошланиши бежиз эмас. Халқ таълими тизимининг ҳар бир бўғинида Билимлар кунининг дастлабки онларида ўтказиладиган сабоқ ўз мавзуи, мазмуни ва моҳияти билан ажралиб туриши кўзда тутилган. Бунда, албатта, ўқувчиларнинг ёши, иқтидори ва қобилияти, айни пайтда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодиёти ҳақида эгалланган билим ва кўникмалари ҳисобга олинади. Бу, айниқса, жумҳуриятимиздаги таълим рус, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, тожик ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблардаги «Навоий сабоқлари» муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга моликдир.

Кейинги йилларда халқ таълимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганлиги сир эмас. Бу ўринда Ўзбекистон жумҳурияти Президенти И. А. Каримовнинг Фармонлари диққатга сазовор. Бошланғич синф ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлаш, ўқитувчиларни баъзи солиқлардан умуман озод қилиш ва енгиллатиш, уларга давлатга тегишли уй-жойларини хусусий мулк қилиб бериш, муаллимларга ер участкалари ажратиш каби тадбирлар халқ таълими ходимларига кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликдир.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Республика ўқувчи-ёшларига ва мутахассисларига чет тиллари кенг кўламда ўқитиш системасини такомиллаштириш ва унинг моддий-техника базасини ривожлантиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам вазирлигимизга катта масъулият юклаяпти. Биз қарорга асосан ўқувчи-ёшларга, мутахассисларга зарур ҳажмда чет тилларини жадал ўқитиш, уларнинг электрон-ҳисоблаш техникасида ишлаш кўникмаларини эгаллашлари, замонавий воситалардан фойдаланишни ўргатиш ниятидамиз.

Ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши ишимизда жиддий силжишларга сабаб бўлди. Бугунги кунда давлат тилини чуқур ўрганиш ва уни ҳар томонлама ривожлантириш учун интиляпмиз. Бунинг учун билим сифатига алоҳида эътибор бериляпти.

— Жўра Ғаниевич, ўқитувчи обрўсини ошириш учун қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Биз кейинги йилларда мактабларимизни қайта қуриш, турли ислоҳотлар ўтказишга берилиб кетдик. Аммо бу интилишларимиз яхши самара бермади. Хўш, халқ таълимининг бир жойда депсиниб қолаётганлигининг асосий сабаби нимада? Менимча, халқ таълимини асосий ҳаракатлантирувчи куч — бу ўқитувчидир. Биз ана шу асосий кучга яъни ўқитувчига етарли эътибор бермай келдик.

Ҳар бир дарсга эътиқод қўйиб, уни фидойилик ва жонкуярлик билан ўтадиган ўқитувчиларимиз кўп. Афсуски, улар билан ёнма-ён юзаки дарс ўтадиган, ойлик иш ҳақи учунгина мактабга бориб келадиган ўқитувчилар ҳам йўқ эмас! Баъзан биз ҳар икки тоифадаги ўқитувчига ҳам бир хил муносабатда бўламиз. Дарс соатлари ҳам, иш ҳақлари ҳам деярли бир хил. Мана шу мезонларни тўғри баҳолашга интиляпмиз. Истеъдодли ўқитувчи учун дарс соатини кўпроқ ажратиш, ўз истеъдодини намоён этишга имконият яратишнинг даври келди. Бу халқ таълимимизнинг дадил одим олишига икки-уч карра фойда бериши турган гап.

Бу тажрибани таълим-тарбия жараёнида анъанавий шакл ва усуллар билан бирга янги самарали шакл ва усуллардан фойдаланиш натижасида ўқувчилар билимининг юқори даражада бўлишига эришаётган бошланғич синф ўқитувчилари Собиржон Турғунов, Любовь Михайлова, Марҳамат Расулова фаолиятида кўриш мумкин.

Биз ўқитувчига нисбатан муносабатни ҳеч пайсалга солмай ва иккиланмай, қатъий равишда тубдан ўзгартирмоғимиз лозим. У ҳар хил васийликдан халос этилиши, шу билан бирга изланиш ва янги усулларни қўлланишларига кенг имконият яратилиши керак. Ўқитувчининг ижодий меҳнати учун муносиб маданий шароитлар яратилиши лозим.

Ўқитувчи обрўсини ҳар томонлама ошириш борасида кўп ишлар қилиниши керак. «1991 йил ўқитувчиси» кўрик-конкурси юзлаб, минглаб фидойи муаллимларни танлаб берди. Биз бундай анъанани давом эттириш ниятидамиз. Шу билан бирга кафолатли ўқитувчилар сафи ҳам ўсиб бораётир. Уларнинг ўрта мактабда ўз фани учун қўйган баҳоси педагогика олийгоҳлари учун бевосита кафолат бераётир.

— Умумтаълим мактабларининг компьютерлаштириш муаммоси қандай ҳал қилиняпти?

Бугунги кунда жумҳуриятимиздаги умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ва педагогика олийгоҳларида 3617 та «Роботрон», «Осиё», «Корвет», «Агат» сингари ўқув-ҳисоблаш синфлари жамланган. Умумтаълим мактабларимизнинг 40 фоизи компьютерлаштирилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз ана шу ҳисоблаш техникасига мўлжалланган дастур билан таъминлашда бирмунча оқсаяпмиз. Шу кунгача оз бўлса-да «Ямаха», «ДВК», «Роботрон», «Агат» каби компьютерларига ўқув методика қўлланмалари яратилганлигини айтиб ўтишимиз керак. Шу билан бирга «Ўқитишнинг техника воситаси ва ҳисоблаш техникаси» курси бўйича ўтилаётган дарс соатлари ҳамда дастур чуқур ўрганилиб чиқилди, таҳлил қилиниб қайтадан кўриб чиқишга тавсия этилди.

Биз ўрта таълим мактабларида урф-одатимизга мутлақо тўғри келмайдиган Т. Афанасьеванинг «Оила» китобини ўргатиб келдик. Бу кўнгилдагидек натижа бермади. Бугунги кунда олий ўқув юртлари талабалари ҳамда мактаб ўқитувчилари учун ўзбек тилида дарслик ва қўлланмалар яратилди. Янги ўқув йилидан мактабларда «Одобнома» фани ўқитилади. Бу дарс ҳар томонлама билимдон, фидойи, одобли ўқитувчиларга топширилиши яхши натижалар беради, деган умиддамиз. Келажакда миллий анъаналаримизга мос дарслик, қўлланма ва дастурлар яратилиши учун барча имкониятларни қидириб топамиз. Буларнинг ҳаммаси ўғил-қизларимизнинг билимдон, меҳнатсевар ва одобли бўлишига йўналтирилгандир.

Мактабгача тарбия муассасалари ишини, кечки мактаб фаолиятини тубдан яхшилаш борасида қилинаётган ишларимизни янада жадаллаштиришни тақозо этади, яъни катталарга таълим бериш марказларини ташкил этишимиз керак. Биз барча ишлар келажагимиз мевалари — фарзандларимиз учун қилинаётганлигини яхши биламиз. Бу борадаги ютуқлар салмоғини янада кўпайтириш учун интилаверамиз.

Янги ўқув йилингиз қутлуғ бўлсин!

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Ш. АЛИМОВ,
Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим вазири

Билимлар куни биринчи бор биринчи курс талабалари учун жумҳуриятимизда ташкил этилган янги олий ўқув юртлари ўз эшикларини очади. Фарғона давлат дорилфунуни, Наманган саноат-технология, Тошкент меъморчилик-қурилиш, Тошкент давлат шарқшунослик институтлари шулар жумласидандир. Яна шуниси муҳимки, кўплаб олий ўқув юртлари жумҳуриятимиз халқ хўжалиги учун зарур бўлган янги мутахассисликлар бўйича ўқитилади.

Жумҳуриятимизда биринчи бор юқори типдаги ўрта махсус ўқув юртлари — коллежлар ташкил этилди.

Мақсадимиз ягона — талабаларга кенг кўламда таълим бериш. Таълим соҳасида, энг аввало, техник мутахассисликлар бўйича тор ихтисослаштириш олий мактабимизнинг энг жиддий нуқсонларидан бири эди. Шунинг учун ҳам таълимни ижтимоийлаштириш қонуний жараёндир.

Дорилфунунларнинг педагогика олий ўқув юртларидан фарқи нимада? Ваҳолонки, дастлаб қараганда ҳар иккала даргоҳда ҳам ўқитиладиган фанлар мажмуаси бир хилга ўхшайди. Бироқ университетда илмий ишлар, илмий-тадқиқотлар олиб бориш зарурдир. Масалан, педагогика институти негизида ташкил этилган Фарғона университетини олайлик. Илмий-тадқиқот ишлари учун ажратиладиган маблағни тўрт баробар кўпайтирдик. Янги лабораториялар ташкил этдик, эскиларининг имкониятларини кенгайтирдик. Янги ўқув йилида ҳам талаба-ёшларимизнинг кўпчилик қисмини илмий изланишларга жалб этиб, бу жараённи янада ривожлантирамиз.

Яна бир муҳим омил шуки, университетлар ҳорижий илмий марказлар билан алоқа ўрнатиш, чет эллик олимларни лекциялар ўқишга таклиф этиш учун барча имкониятларга эга. Чунки, масалан, америкалик олимлар институтлар ҳақида сўз кетганда, уларни коллежлар даражасида ҳисоблаб, бу ўқув юртларида лекция ўқишга мойиллик билдирмайдилар. Университетларга эса уларнинг муносабати бутунлай бошқача.

— Шавкат Орифжонович, ўзгаришлар фақатгина ташқи жиҳатдан эмас, балки ўқув жараёнида ҳам юз бериши керак, шундай эмасми?

— Албатта. Бу борада, энг аввало, таълим ҳаётга яқин бўлиши зарур. Шу билан бир қаторда таълимнинг мустаҳкам бўлишини таъминлаши керак. Бу талаблар бизни ўқув режаларини ва дастурларини қайта кўриб чиқишга ундайди. Бундай билим асрлар давомида йиғилади. Бироқ уларни қўлланиш соҳалари ўзгарар экан, олий мактаб ҳам буни муносиб равишда эътиборга олиши шарт.

Таълимни ижтимоийлаштириш ижтимоий фанлар ҳисобига амалга оширилади. КПСС тарихи, марксча-ленича фалсафа сингари фанлар йўқ. Пайдо бўлган бўшлиқ бошқа фанлар билан тўлдирилади.

— Олий ўқув юртларида олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар ҳақида гапириб берсангиз!

— Олий ўқув юртларида олиб бориладиган илмий-тадқиқотлар асосан назарийдир. Самарали илмий-тадқиқот ишлари ўтказиш учун яхши жиҳозларга эга бўлиш керак. Бу эса албатта, катта маблағ талаб қилади. Бугунги кунда олий мактабдаги илмий-тадқиқотлар академиянинг илмий-тадқиқотларига нисбатан ўн баробар кам маблағ билан таъминланади.

Бу соҳада агар қиёслаш жоиз бўлса, худди спортдаги кабидир — рекорд фақат бир марта бўлиши мумкин. Сўнг у қанча такрорланса ҳам унча аҳамиятга эга бўлмайди. Бизда ҳам шундай. Кимдир эришган натижани такрорлашга имкон берадиган юзта яхши жиҳозга эга бўлиши мумкин. Ҳа, фақат такрорлаш ва бунинг ҳаммаси умуман, бошқача натижа олишга имкон берадиган битта ўта яхши жиҳозга алмаштириш мумкин. Агар халқ истеъмол молларини олсак, бу соҳада бирон-бир маҳсулотни жаҳон стандартлари даражасида такрорлаш жуда яхши. Фанда эса умуман бошқача. Айтайлик, кимдир янги элементар заррачани кашф қилди. Биз эса уни бениҳоя такрорлашимиз, буни талабаларимизга ҳам ўқитишимиз мумкин. Фақат ўқитишимиз мумкин, бундан ортиқ натижага эриша олмаймиз.

Масаланинг молиявий томони ҳақида гапирар эканмиз, таълимга, фанга кам маблағ сарфланди деган фикр ҳам унчалик тўғри эмас. Биз давлат бюджетидан бу мақсадларга бошқа ҳар қандай мамлакатга нисбатан анча кўп маблағ сарфлаймиз. Бу маблағлар миллий даромаднинг жуда ҳам оз қисмини ташкил қилиши эса — бошқа масала. Ғарбда саноатнинг у ёки бу соҳасини ривожлантиришдан манфаатдор бўлган кўплаб турли хил фирмалар асосий маблағларни берадилар.

Бизда бу соҳада ҳеч ким жиддий бош қотирмайди. Корхоналар бугунги кун билангина яшамоқдалар.

Менимча, раҳбарлар мана шу масалани жиддий ўйлаб кўрсалар яхши бўлар эди. Масалан, Япония йирик концернларига урушда харобага айланган мамлакатда асос солинган эди. Бир ёш йигит велосипедга мослаб моторча ўйлаб топиб, уни мопедга айлантиради ва сота бошлайди. Шундай қилиб, замонавий гигант «Хонда» пайдо бўлди. Бу — келажакка боқиш. Нима учун айтайлик, биздаги корхона раҳбарига фан учун маблағ сарфлаш манфаатли эмас? Чунки шундай бўлиши мумкинки, янги технология айтайлик, маҳсулотнинг вазнини камайтириши мумкин. Унинг учун эса давлат буюртмаси тонналарда ҳисобланади. Бироқ ўйлайманки, иқтисодий механизмни қайта қуриш бу муаммони ҳам ҳал этишга кўмаклашади.

— Шавкат Орифжонович, сиз яқинда Ўзбекистон расмий делегацияси таркибида Ҳиндистонда бўлиб қайтдингиз. Сафар таассуротлари ҳақида ўртоқлашсангиз...

— Сафар вақтида биз Ҳиндистон таълим вазирлиги раҳбарлари билан музокаралар олиб бордик. Бу музокаралардан асосий мақсад талабалар, ўқитувчилар ва мутахассислар алмашишдир.

Бизни кўпроқ молия, ташқи иқтисодий фаолият, бизнес соҳасида кадрлар тайёрлаш қизиқтиради. Ҳиндистон молия вазири билан бўлган музокараларда мана шу ҳақда сўз юритдик.

Бундан ташқари биздаги бизнес мактабларида лекциялар ўқиш учун ҳинд мутахассисларини таклиф этдик. Бизнес мактабларини янги олий ўқув юртлари — Тошкент иқтисодиёт дорилфунуни ва Тошкент молия институтида ташкил этмоқчимиз.

Яна бизни қизиқтирган соҳа — бу халқаро ҳуқуқ бўйича мутахассислар тайёрлашдир. Афсуски, бизнинг ҳуқуқшуносларимиз халқаро бозор қонунларини яхши билмайдилар. Бизнинг ташқи иқтисодий фаолиятимиз ҳуқуқий ҳимояга муҳтождир.

Бу масалада ҳам ҳинд томони биз билан ҳамкорлик қилишга, ёрдам кўрсатишга розилик берди.

Ҳиндлар ўз талабаларини олий ўқув юртларимизда ўқитишга қизиқиш билдирдилар. Совет—ҳинд дўстлиги марказида бўлган учрашувда совет олий ўқув юртлари битирувчилари ассоциациянинг раиси сўзга чиқиб, Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовга Ҳиндистон учун кўплаб мутахассислар тайёрлаб берилгани учун миннатдорчилик билдирди. Ҳинд томони учун бизнинг олий ўқув юртларимизда муҳандислар, шифокорлар, қишлоқ хўжалиги ва ирригация бўйича мутахассислар тайёрлаш катта қизиқиш уйғотмоқда.

Билимга чанқоқ ҳар бир йигит-қизни ва профессор-ўқитувчиларни янги ўқув йили билан чин дилдан қутлайман.

Суҳбатдош М. ПИРМАТОВ.

МАКТАБ. ТАРБИЯ. ЭЪТИҚОД

*

● Муваффақиятли тарбиянинг сири — ўқувчига ҳурматда.

Р. ЭМЕРСОН.

● Маърифатнинг мақсади характерни тарбиялашдан иборатдир.

Г. СПЕНСЕР.

● Қийин фанлар йўқ, фақат ҳазм қилиш қийин бўлган изоҳларгина бор.

А. И. ГЕРЦЕН.

● Билим ва қудрат — иккови эгизак.

Ф. БЭКОН.

*

Тошкент шаҳридаги 102-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Адиба Орипова биринчи дарсни Навоий сабоғига бағишлашга тайёргарлик кўрмоқда.
Суратда: 8-синф ўқувчиси Маъсуда Жалилова Навоий ғазалларини ўқимоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ сурати.

*

● Билим — барча кулфатларга қалқон.

А. РУДАКИЙ.

● Билимга элтувчи ягона йўл, бу — фаолиятдир.

Б. ШОУ.

● Тарбия қийин иш ва тарбия шарт-шароитларини яхшилаш — ҳар қандай кишининг ҳам муқаддас бурчларидан биридир, зеро ўзини ва теварак атрофдагиларни маълумотли қилишдан ҳам кўра муҳимроқ иш йўқ.

СУҚРОТ.

*

ЁШ ИЖОДКОРГА ЭЪТИБОР

Фарғона районининг Ёрмозор қишлоғидаги 30-ўрта мактабни олтин нишон билан тамомладим. Ёшлигимдан адабиёт оламининг сирли туғёнлари, ижодкорликнинг машаққатли сўқмоқлари мени ўзига чорлар эди. Бу йил ўрта мактабни тугатгач, олий ўқув юртларига кириб ўқишни давом эттириш ниятиёқида эдим. Вилоятимиздаги янги дорилфунун очилгани кўнглимдаги орзу-ниятимга эш бўлди.

Олийгоҳнинг филология қулиётига кириб ўқиш истагини билдирдим. Дорилфунун раҳбарияти Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, вилоят ижодкор ёшлар маркази билан биргаликда ташкил этган ижодкор ёшлар конкурсида менинг ҳикоя ва ҳажвиялардан иборат қўлёзма тўпламим биринчи мукофотга сазовор бўлди. Конкурс шартларига кўра мен ва икки ғолиб ижодкор бу куллиётга имтиҳонсиз қабул қилиндик.

Дорилфунунда иқтидорли ёшларни қабул қилиш учун барча куллиётларда турли фанлар бўйича олимпиадалар бўлиб ўтди. Унда Қирғизистоннинг Ўш ва Ленинобод вилоятларидан келган мингдан ортиқ ёшлар қатнашди. Ўз билим ва иқтидорини намоён этган 30 нафар абитуриент бу даргоҳга имтиҳонсиз қабул қилинди.

Олимпиадада танланган фан бўйича аъло баҳога топширган 47 нафар йигит-қиз эса шу фан бўйича кириш имтиҳонидан озод бўлдилар. Шуни алоҳида таъкидлашни истар эдимки, бу иқтидорли тенгдошларимнинг ҳаммаси кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, талаба деган юксак номга эга бўлдилар.

Азим чинорлар қуршовидаги савлат тўкиб турган бинога боқар эканман, қалбим севинчдан энтикади. Чунки мен ва тенгдошларим дорулфунуннинг дастлабки талабаси бўлдик. Наздимда водийда ягона бу дорилфунун бағрида келажакда Аҳмад Фарғоний, Бобур, Машраб, Фурқат, Қори Ниёзий, Ҳабиб Абдулла сингари иқтидорли инсонлар камол топса ажаб эмас.

Азиз ОРИФЖОНОВ,
Фарғона давлат дорилфунуни филология куллиётининг 1-курс талабаси.

ҚАРШИ. 23-мактабнинг ўқитувчиси Муҳаббат Охунова 25 йилдан буён муаллимлик қилиб келмоқда. Яқинда у истиқомат қилаётган коттеж жумҳурият Президентининг Фармонига асосан шахсий уйи бўлиб қолди.
Суратда: Муҳаббат Охунова (чапда) онаси Маҳбуба ая билан бир пиёла чой устида суҳбатлашмоқда.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат (ЎзТАГ).

ПОЙДЕВОР

Жумҳуриятимиз маорифчилари янги ўқув йилини қай йўсинда бошлаяптилар?

Мактабларда «Оила» дарси ўқитила бошланди. Бу қувончли, албатта. Афсуски бу фандан ўқувчилар кутилган билим ва тўғри кўникма олмади. Нега? Кўпгина мактабларда бу фанга мутахассис ўқитувчилар етишмайди. Қайси ўқитувчининг дарс соати кам бўлса ўша кишига машғулот юкланди. Бунинг устига жумҳуриятимиз шарт-шароити, урф-одатларига мос дарслик, қўлланмалар йўқ. Россияда чоп этилган Т. Афанасьеванинг «Оила» китоби эса миллий удумлар, оила қадриятларимизга тўғри келмайди. Натижада миллий тарбияга путур етди.

Жумҳурият Халқ таълими вазирлиги бу муаммони ҳал этишга алоҳида эътибор берди. Абдулла Авлоний номли ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий илмгоҳида мутахассис ўқитувчи кадрлар тайёрлана бошлади. Бу ерда дарслик муаллифлари Т. Курбонов, О. Тўраева, М. Назарова каби тажрибали мутахассис ўқитувчилар машғулотлар олиб борди.

Бу йилдан бошлаб мактабларда «Одобнома» дарси ўтилади. Шу ўринда бир мулоҳазали фикрни айтиб ўтмоқчимиз. Мактабларни миллийлаштириш, ўғил ва қиз болаларни алоҳида ўқитиш устида турли хил фикр-мулоҳазалар билдириляпти. Мактаб формаси, қизларни 7 йиллик таълимга жалб этиш ҳақида баҳслашишяпти. Лекин шу билан мактабларни миллийлаштиришга эришиб бўлармикин? Қачонки ўқувчилар бир хил фанни ўқисалар, уларни ажратиб ўқитишдан мантиқ нима? Вақти келиб шундай таълим-тарбия усули қўлланилар. Лекин ҳозирги кунда махсус дарслик, махсус мутахассис ўқитувчиларсиз бунга эришиб бўлмайди.

Мактабларни миллийлаштириш учун шарқнинг Ал-Хоразмий, Беруний, Улуғбек, ибн Сино, каби буюк алломалари меросини ўзлаштириш, ўқув дарсликларига киритиш мақсадга мувофиқдир. Чунки миллий мактабда фанлар ҳам миллийлаштирилиши зарурдир.

Янги ўқув йилида кўпгина ташкилий педагогик тадбирлар ҳам амалга оширилди. Олийгоҳлар билан шартнома асосида бўлажак ҳамшира, муҳандис, ўқитувчи, шифокорлар тайёрловчи педагогик синфлар очилди. Шундагина ўқувчининг келажаги мактаб партасидаёқ қатъий шаклланади. Бугунга келиб кечки мактаблардан воз кечишга тўғри келди. Уларнинг ўрнига катталарга таълим бериш маркази ташкил этилиши ўринлидир. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги собиқ 45-мактаб, Ленин районидаги 20-мактаблар ана шундай катталарга таълим бериш марказига айлантирилди. Бу марказларга ўқувчиларнинг ёшлари турлича, 7 ёшдан 50 ёшгача бўлган ўқувчилар таҳсил олади. Улар бу ерда тикувчи, ҳайдовчи, ҳамширалик ва бошқа касбларга бепул ўқитилади. Бу марказларнинг ишини янада яхшилаш учун уларга ҳомий ташкилотлар топиш керак. Мактаб ўқув комбинатлари қошида ҳам шундай марказлар ташкил этиш режалаштирилган.

Янги ўқув йилида «Ўқитувчи» нашриёти 92 номда, 21309 минг нусхада мактаб дарсликлари, ўқув қўлланмалари тайёрлади. Бу дарсликларнинг 20 дан ортиғи янги дарсликлардир. Шундан 13 таси аслият, яъни вазирлик томонидан тайёрланган дарсликлар. Ўқитувчилар учун 25 номда янги методик қўлланмалар нашр этиш режалаштирилган. Эски ўзбек ёзуви дарслиги эса сентябрь ойида нашрдан чиқиши мўлжалланган.

Жумҳуриятимиз ҳудудида етти тилдаги мактаблар мавжуд. Шу мақсадда рус, қорақалпоқ, қозоқ, тожик, туркман, қирғиз тилида таҳсил оладиган ўқувчилар учун қардош жумҳуриятларда 40 номда 4 миллион 965 минг нусхада дарсликларга буюртма берилганди. Шунингдек, қўшни қардош жумҳуриятларда истиқомат қилувчи ўзбек фарзандлари учун 81 номда 2 миллион нусхадан ортиқ дарсликлар жўнатилди.

Санда ЙЎЛДОШЕВА,

ИЛК ҚАДАМ

Нукус шаҳридаги Маяковский номли мактаб янги ўқув йили арафасида байрам тусини олди. Бу ердаги фанлар бўйича хоналар, лаборатория, спорт жойлари, ошхона, тамаддихона, кутубхоналар дид билан безатилди.

Мактабда 1460 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Фанларни аъло баҳолар билан ўзлаштираётган ўқувчилар ёзги таътилни мароқ билан ўтказдилар. Улар яна мактаб қўйнига ошиқишмоқда.

139 нафар бола эса илк бор мактабга қадам қўйяпти. Ота-оналар бағрида гуллар кўтариб биринчи муаллимларни табриклаётган ўнлаб болалар билан суҳбатлашдик. Уларнинг бири Ширинай Ўрозбоева қорақалпоқ тилида таҳсил олмоқчи. У ўз дугоналари Гулзира, Сафаргул, Сарвиноз билан аъло ўқиш иштиёқида.

Мактабнинг қозоқ синфи ўқувчиси Жанабой Гулимбетов эса ўқитувчиси Улмекен Маҳамбеталиевага дастлабки сабоғи ҳақида сўзлаб беряпти. Ҳа, у болалар боғчасидаёқ санашни ўрганиб олган.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РАҚАМЛАР КЎЗГУСИДА

● Янги ўқув йилининг биринчи дарси улуғ шоир, маърифатпарвар Алишер Навоий дарси билан бошланади. Жумҳуриятимизнинг саккиз мингдан ортиқ ўрта таълим мактабларида улуғ шоирнинг бебаҳо мероси яна бир бор улуғланади.

● Умумий ўрта таълим мактаблари учун икки нусхада ўқув режалари тасдиқланган. 10-11-синф ўқувчилари бу йил чет тили бўйича қўшимча бир соатдан дарс ўтишга муяссар бўладилар.

● Жумҳуриятимизда давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш борасида ўқув режаларига II (III) синфлари учун «Эски ўзбек тили» ёзуви фани киритилган.

● Мактабларнинг VIII—XI синфлари иккинчи ўқув йилидан бошлаб «Ўзбекистон халқлари тарихи» фани мустақил фан сифатида ўқийдилар.

● Мактабларнинг X синф ўқувчилари «Оиланий ҳаёт этикаси ва психологияси» ўрнига «Одобнома» фанини ўрганадилар.

● Жумҳуриятимизнинг умумий таълим мактабларида етти тилда: ўзбек, рус, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ва қорақалпоқ тилларида дарс олиб борилади. Бундан ташқари ўқувчилар ва ота-оналарнинг хоҳишига кўра жумҳуриятимизнинг айрим мактабларида қрим-татар, яҳудий, бошқирд ва бошқа тилларда ҳам ўқишлари мумкин.

● Жумҳуриятимизда 320 та умумтаълим мактаблари тожик тилида, 531 мактабда қозоқ тилида, 50 та мактабда туркман тилида, 49 та мактабда эса қирғиз тилида дарс олиб борилади.

● 1989 йилдан бошлаб тожик ва қозоқ тиллари бўйича жумҳурият олимпиадалари ўтказилмоқда.

● Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг ўнга яқин олий ўқув юрти жумҳуриятимиз учун 14 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаб бераётир.

● Қардош жумҳуриятлар дорилфунунлари ва педагогика олийгоҳларида 1200 нафар йигит-қиз таҳсил олмоқда.

● Жумҳуриятимизда 9659 та мактабгача болалар муассасалари ишлаб турибди. Уларга 1 миллион 349 мингдан зиёд кичкинтой жалб этилган. Бу мактабгача болаларнинг 37,1 фоизини ташкил этади.

● Мактабгача муассасалар педагогик жамоалари орасида 84 мингдан ортиқ олий ва ўрта махсус билимли педагог мутахассислар ишлаб турибди.

● Жумҳуриятимизда бугунги кунгача 453 та ҳунар-техника билим юрти мавжуд. Уларда 230 касб бўйича 225 мингдан зиёд йигит-қиз таҳсил олмоқда.

● Тошкентдаги 12, Наманган вилоятининг 36-ўрта ҳунар-техника билим юртлари жумҳуриятда биринчи бўлиб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун фермер-ижарачилар тайёрлашга киришдилар.

● Жумҳуриятимизда 266 та кашшофлар уйлари ва саройлари, 134 та ёш техниклар станциялари, 119 та ёш натуралистлар станциялари, 27 та ёш сайёҳлар станциялари, 228 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ишлаб турибди.

● Жумҳуриятимиз олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳам «Ўзбекистон халқлари тарихи» фани ўқитила бошлайди. Педагогика олий ўқув юртлари тарих факультетининг талабалари 220 соат, гуманитар факультетларида 140 соат, табиат факультетларида эса 70 соатдан дарс ўтадилар. Жумҳуриятимиз ўрта махсус ўқув юртларида эса бу фан 70 соат ҳажмида ўқитилади.

● Жумҳуриятимизнинг 15 педагогика олийгоҳида 131 фан доктори, 2 мингдан зиёд фан номзоди дарс ўтаётир.

● Жумҳуриятимизнинг умумий таълим мактаблари, ўрта ҳунар-техника билим юртлари, билим юртлари ва педагогика олийгоҳларида 3,5 мингдан зиёд ўқув-ҳисоблаш техника синфлари мажмуаси ишлаб турибди.

ҲАММАБОП ОЙНОМА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг назарий ва ижтимоий-сиёсий ойномаси — «Инсон ва сиёсат» — «Человек и политика» 1992 йилда мақолалар мавзуи ва кўламини анча кенгайтиришни режалаштирди. Ойномада республикамиз, мамлакат ва дунёнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаёти муаммолари, кишиларнинг жамиятни тубдан янгилаш ҳақидаги ғоялари, фикр-мулоҳазалари, сиёсий ва иқтисодий, илмий ва амалий мунозаралар, мухлисларнинг энг долзарб масалаларга доир саволларига жавоблар кенг ўрин олади.

Ҳар бир муштарий ойнома саҳифаларидан ўзи қизиққан саволларга батафсил жавоб топа олади. Таҳририят шу мақсадда «Жамоатчилик фикри кўзгуси», «Миллийлик ва байналмилаллик: ўзаро боғлиқлик диалектикаси», «Фан: изланиш самараси», «Инсон ва табиат», «Давр ва одамлар», «Ёшлар муаммолари кўзгусида», «Тўқсонинчи йиллардаги дунё» каби ва бошқа бир қатор рукнлар очди. Ойнома ижодий жамоаси «Давра суҳбатлари», давлат ва жамоат арбоблари, олимлар билан суҳбатлар, долзарб мавзулардаги мусоҳабаларни бериб боришдек анъанага содиқ бўлиб қолади. Хатлар, мақолалар, очерклар, таклиф ва мулоҳазалар, янги нашрларга тақризлар — буларнинг ҳаммаси, илгари бўлганидек, келгуси йилда ҳам муштарийларга тақдим этилади. Ойнома ўз ўқувчиларини қизиқарли рақамлар, фактлар, воқеалар, ўтмишда яшаган ва ҳозирги замон таниқли арбобларининг фикр ва ҳикматли сўзлари, халқ заковати хазинасидан олинган ҳикматлар билан изчил таништириб бориш ниятида.

Хуллас, ойнома кенг доирадаги ўқувчилар учун мўлжалланган. Биз ўз фаолиятимизда ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги, ижтимоий мавқеининг аниқлиги ғояларига амал қиламиз. Вазифамиз жамиятнинг барча иқтидорли кучларини олдинда турган муаммоларни ҳал этиш учун сафарбар қилишга ёрдам беришдан иборатдир.

«Инсон ва сиёсат» — «Человек и политика» республикада ана шундай йўналишдаги ягона нашрдир. У ҳар ойда чиқади. Унга обуна барча алоқа бўлимлари ва Союзпечать агентликларида қабул қилинмоқда. Ойноманинг бир йиллик обуна нархи — 12 сўм, тўққиз ойга — 9 сўм, олти ойга — 6 сўм, уч ойга — 3 сўмдир.

Ҳурматли муштарийлар, ўз севимли ойномангизга вақтида обуна бўлишни унутманг!

«ИНСОН ВА СИЁСАТ» — «ЧЕЛОВЕК И ПОЛИТИКА» ОЙНОМАСИ ТАҲРИРИЯТИ.

• Эртага—нефть ва газ саноати ходимлари куни

БАРҚАРОРЛИК

Мамлакатда иқтисодий танглик юз бериб, жумҳуриятлар ўртасида хўжалик алоқалари узилган ҳозирги оғир шароитда йирик саноат корхонасининг барқарор фаолият кўрсатиши мумкинми! Мумкин, — дейди ишонч билан «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Норматов.

Хўш, қандай қилиб! Суҳбатимиз шу саволга жавоб билан бошланди.

— Бунинг учун тадбиркорлик билан иш юритиш, яшириниб ётган ички резервларни ҳаракатга келтириш, жамоанинг меҳнат ғайрати ва ташаббускорлигини ошириш ҳам зарур, — дейди Анвар Норматович.— Биз, энг аввало, эътиборни ана шунга қаратдик. Илгаригидек кўрсатма бериш, планни бунчага ошириб бажарасан, дейишга чек қўйилди. Меҳнат жамоаларининг эркин фаолият кўрсатишларига кенг йўл берилди. Натижада бирлашмага қарашли кўпгина бошқарма ва ташкилотларда хўжалик юритишнинг янги усуллари жорий этилди. Хўжалик ҳисоби асосида ишлаш таркиб топди. Давлат буюртмаларини ошириб бажариш одат тусига кириб қолди.

Мана, ўзингиз ҳисоблаб кўришингиз мумкин: шу йилнинг ўтган даврида 16 минг тоннадан кўпроқ нефть ва қарийб 12 миллион куб метр газ давлат буюртмасида белгиланганидан кўпроқ қазиб олинди, бирлашма пармаловчилари эса 35 та ўрнига 39 та қудуқни фойдаланишга топширдилар.

Тадбиркор корхона раҳбарлари мамлакатдаги бошқа турдош корхоналар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатдилар. Жумладан, Россиянинг Нижневартовск кони нефтчилари билан шартнома имзоланди. Унга кўра, Ғарбий Сибирда вахта усулида ишлашга мўлжалланган қатламлардан нефть қазиб чиқаришни кўпайтириш ва қудуқларни тўла таъмирлаш 2-бошқармаси ташкил этилди.

— **Бу яхши. Лекин ҳозир янги техника, замонавий технологиясиз тараққиётни тасаввур қилиш қийин...**

— Гапингизга тушундим. Бирлашмага қарашли нефть қазиб олиш ва пармалаш корхоналарида янги техника, прогрессив технологияни кенг жорий қилиш, техник қайта қуролланиш ва ишлаб чиқаришни тубдан янгилаш ҳамда тармоқ учун муккаммал билимга эга бўлган муҳандис-техник ходимлар тайёрлаш ишлари бирмунча яхшиланди.

Бироқ янги техника ва технологияни сотиб олишнинг ўзи бўлмаяпти. Тармоқ учун техник асбоб-ускуналар, мосламалар тайёрловчи Иттифоқ корхоналари нарх-наво ислоҳотини рўкач қилиб, ўз маҳсулотлари баҳосини оширмоқдалар. Бугунга келиб кончиларимиз чўқур пармаловчи махсус насослар, насос-компрессор қувурлари, кимёвий реагентларга муҳтожлик сезмоқдалар.

Бундай шароитда биз қўлни қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Ички имкониятлардан фойдаланишга, мустақил равишда таъминотчи корхоналар билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қиляпмиз. Масалан, «Мингбулоқ» ва «Гажак» конларини ишга туширишни жадаллаштириш жумҳурият ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, ушбу конларни ўзлаштириш ишига хорижий фирмаларни қўшма корхона тузиш йўли билан жалб қилишни кўзда тутяпмиз.

Муҳандис-техник ходимлар, ишчи-хизматчиларнинг техник ижодиётини камол топтиришга эътибор кучли. Шу боис бизда ихтирочи ва рационализаторлар сони ошиб бормоқда. Ўтган даврда уларнинг 200 га яқин рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бундан қарийб 500 минг сўм иқтисодий самара кўрилди.

— **Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат аҳлининг ижтимоий шароитларини ўнглаш ҳам муҳим. Бирлашмада бу борада қандай ишлар амалга ошириляпти?**

— Ўтган йилнинг январь ойида бирлашма кенгашида корхонанинг иқтисодий мустақилликка ўтиш тадбирлари ишлаб чиқилган эди. Ушбу тадбирлар мажмуасининг бажарилишини таъминлаш эвазига бирлашма 1990 йил натижалари бўйича нефть қазиб олиш харажатларини 540 минг сўмга камайтиришга муваффақ бўлди. Мен буни нега айтяпман? Чунки мазкур тежаб қолинган маблағлар меҳнатчиларимиз ижтимоий шароитини ўнглашга ажратилди. Янгиликлар жорий қилишдан чўчимадик. Дейлик, ишчи-хизматчиларга уй-жой, ортиқча ва кераксиз транспорт воситалари сотиш амалиётини ташкил этдик. Улуғ Ватан уруши фахрийларига эса 95 та уй ва квартиралар текинга ҳадя этилди. 567 уй-жой ва квартиралар ишчи-хизматчиларга сотилди.

Бирлашма қурувчилари умумий майдони 2310 метр бўлган уй-жой биноларини фойдаланишга топширидилар.

Бундан ташқари, бирлашмага қарашли ёрдамчи хўжаликлар ишчи-хизматчиларни гўшт, сут, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан муттасил таъминлаб туришибди. Мақтаниш эмас-у, ўтган йил якунига кўра хўжаликларда гўшт етиштириш ҳар бир ишчига ҳисоблаганда 12 килограммдан, сут 11 килограмм-данга тўғри келяпти.

Меҳнат аҳлига кўрсатилаётган ғамхўрликлар ўз натижасини бермоқда. Нефть-газ қазиб чиқариш ва пармалаш корхоналарида илғорлар сафи кенгайиб бормоқда. Қарши, Жарқўрғон нефть-газ қазиб олиш ҳамда Қўқон пармалаш бошқармалари ишчилари ғайрат ва ташаббус намуналарини кўрсатишяпти. Барқарор фаолият, мустаҳкам интизом ва ташаббус эвазига бирлашмамиз меҳнат аҳли давлат топшириқларини шараф билан уддалайди ва бундан буён ҳам жумҳурият ёқилғи-энергетика комплексининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшаверадилар.

А. БОЛИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР савдо вазирлигининг

ЖУМҲУРИЯТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1991—1992 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ 1991 ЙИЛ 2 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

САВДО БИЛИМ ЮРТИ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ СОТУВЧИ ВА КОНТРОЛЕР-КАССИРЛАРНИ ИККИ ЙУНАЛИШДА ТАЙЕРЛАЙДИ:

БАҚҚОЛЛИК, КОНДИТЕРЛИК, ГАСТРОНОМИЯ, БАЛИҚ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ БЎЙИЧА:

ГАЗЛАМА, ТИКУВ БУЮМЛАРИ, ПОЙАБЗАЛ, ТРИКОТАЖ, ГАЛАНТЕРЕЯ, ПАРФЮМЕРИЯ, МАДАНИЙ-МАИШИЙ ВА ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ;

БИЛИМ ЮРТИГА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИДА ЯШАЙДИГАН 30 ЕШГАЧА БЎЛГАН, ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчиларга 80 сўм стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳрининг илғор дўконлари: Бош универсал дўкони — «ГУМ», Универсамларда ўтказилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар Совет Савдо техникумининг охирги курсига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Билим юрти қошида ётоқхоналар мавжуд.

ЎҚИШ МУДДАТИ 8,5 ОЙ.

Шунингдек қуйидаги ихтисослар бўйича ўқувчилар қабул қилади:

МУЗҚАЙМОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ; Ўқиш муддати 6 ой, 3 ой.

САВДО АВТОМАТЛАРИНИ ТУЗАТИШ БЎЙИЧА МЕХАНИК, ўқиш муддати 8 ой.

БЕЗАКЧИ ДЕКОРАТОРЛАР; ўқиш муддати 2 йил.

Машғулотлар 2 сентябрь ва гуруҳлар тўпланганда СУНГ БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асли), турар жойидан маълумотнома, таржимаи ҳоли, 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома, 3×4 см. катталикдаги 5 дона фотосурат, вилоят ёки ноҳия савдо бош бошқармасидан йўлланма.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700173, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов ноҳияси, Собир Юсупов кўчаси, 3-уй (13, 70, 116э, 45-маршрут таксиларнинг «Тез ёрдам клиникаси» бекати). Телефонлар: 75-35-86, 75-35-92.

ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР!

Агар Сиз Ўрта Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири бўлмиш Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилмоқчи ва машинасозлик олий билимгоҳида таълим олмоқчи бўлсангиз

8-ТАЖРИБАВИЙ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

Бу ерда Сиз учиш аппаратларини йиғувчи-чилангар, механика-йиғув ишлари чилангари, саноат ускуналарини таъмирловчи чилангар, рақамли дастур воситасида бошқариладиган дастгоҳларнинг оператори, токарь, фрезерчи, кенг қамровли дастгоҳчи касбларини эгаллаб чиқишингиз мумкин.

Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

9-СИНФЛАРНИ БИТИРУВЧИЛАР ТАЖРИБА ГУРУҲИДА ЎҚИЙДИЛАР ВА 2 ЙИЛ ДАВОМИДА УРТА МАЪЛУМОТ ҲАМДА КАСБ ЭГАСИ БЎЛАДИЛАР.

Бир йиллик гуруҳлардаги 9-синф битирувчилари ишчи малакасини эгаллайдилар.

11-синфни битирувчилар ойига 115—150 сўм миқдорида стипендия олиб ўқийдилар ва 6 ой давомида касб эгаллаб чиқадилар.

Ўқиш даврида ўқувчилар овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Улар Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли пансионат ва профилакторийда дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлашлари мумкин.

Ўқиш вақти меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан битирганлар машинасозлик олий билимгоҳига ўқишга юборилади.

Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган бошқа шаҳарлик ўқувчиларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юртига қуйидагича борилади: 10, 23, 27-трамвайлар; 18, 48, 97-автобуслар; 1, 10, 14, 18, 24-троллейбусларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси» бекати.

Манзилимиз: 700128, Усмон Юсупов кўчаси, Авиация тор кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 41-57-54.

Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ МАОРИФИ БОШҚАРМАСИ

16-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қизларни

1991—1992 ўқув йилига

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Сиз 10 ой, 2 йил ва 3 йил мобайнида тўқувчилик, ип йигирувчилик, калаваловчилик ва пиликловчилик мутахассислиги бўйича касб эгаси бўлишингиз мумкин. Ўқишга қабул қилинганларга ҳар ойда билим юрти томонидан 80 сўм (аъло баҳода ўқиётганлар 100 сўмгача) ва корхона томонидан 40 сўм миқдорида стипендия тўланади. Ўқувчиларнинг амалий дарслари вақтидаги иши ишбай ҳисобланади ва 100 фоиз миқдорида маош тўланади, ёки 250—300 сўм атрофида бўлади. 9-синфни битириб келган ўқувчилар давлат қарамоғида бўлиб, кийим-бош ва ҳар куни 3 маҳал бепул овқат билан таъминланадилар. Билим юрти ота-онасидан маҳрум бўлган болаларга қўшимча имтиёзлар беради ва ўз қарамоғига олади.

Жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларидан келган ўқувчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ва Тошкент шаҳрида турар жой рўйхатидан ўтказиладилар.

Ўқувчиларга ўқиш даврида енгил қўйлакларни бичиш ва тикиш мукаммал ўргатилади. Гувоҳнома билим юртини битирганлиги тўғрисидаги дипломга қўшиб берилади. Билим юртида ҳар хил тўгараклар ишлаб турибди.

Билим юрти Тошкент шаҳри ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси учун ишчилар тайёрлаб бериши сабабли ўқувчиларга шу корхонадаги ишчиларга яратилган ҳамма имтиёзлардан, спорт комплексидан, маданият саройидан, дам олиш масканларидан фойдаланиш имконияти яратилади.

Режаларни ошиғи билан бажараётган ишчиларнинг ойлиги 700—1000 сўмгача бўлиши мумкин.

1991 йилдан бошлаб корхона билим юртини аъло баҳолар билан битирган, амалий дарслар даврида юқори самарадорлик кўрсатган ўқувчиларга Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳига корхона ҳисобидан ўқишга йўлланма бера бошлади. Билим юртидаги ўқишни корхона техникумида қўшиб олиб бориш имконияти яратилади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: раҳбар номига ариза, 3х4 см. катталикда фотосурат, паспорт, меҳнат дафтарчаси, талабаларнинг соғлиги корхона тиббиёт бўлимида текширилади.

Маълумотлар олиш учун телефон: 55-44-85.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Фрунзе ноҳияси, А. Қодирий кўчаси, 34-уй.

2, 80, 97, 57-автобусларнинг «А. Қодирий кўчаси» бекати; 14-троллейбуснинг «П. Полторацкий кўчаси» бекати.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

2—8 сентябрь

Ҳар куни

● 8.25 Соғлом бўлай десанг (шанба ва якшанбадан ташқари, (ЎзТВ-I).

● 18.00 Ўзбекистон телевидениесининг «Янгиликлар» кўрсатуви. (ЎзТВ-I).

● 19.30 да рус тилида «Ахборот» программаси (ЎзТВ-I).

● 22.00 да ўзбек тилида «Ахборот» программаси. (ЎзТВ-I).

● 6.00 да Марказий телевидениенинг «Тонг» мусиқий кўрсатуви. (МТ-I орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).

● 20.30 да барча программалар орқали Марказий телевидениенинг «Время» программаси.

● 11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30— ҳар куни МТ-I).

● 8.00 да Эрталабки бадантарбия (МТ-II, якшанба куни «Зарядкага сафланинг»).

● 19.45 да «Хайрли тун, кичкинтойлар!» (МТ-II).

• 2, душанба

● ЎзТВ I

18.10 Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун. «Биринчи қўнғироқ». 19.00 «Иқтисодиётимиз муаммолари». 19.50 «Экология». Телевизион альманах. 21.10 Тижорат хабарлари. 21.15 Эстрада шинавандалари, Сизлар учун! 22.25 «Қаҳратон март». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» студияси кўрсатади

18.05 «Ассалому алайкум». 19.00 «Олтой учрашувлари». Телефильм. 19.35 «Спринт». 19.50 «Билимлар сарчашмаси». 21.10 «Бу оқшомда » кўрсатуви саҳифаларидан. 22.00 «Никоҳ қўн. ғироқлари». Бадиий фильм.

● МТ—«Орбита-4»

8.35 Футбол шарҳи. 9.05 «Бир варақ оқ қоғоз». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. Француз эртаги. 9.40 Тижорат хабарномаси. 9.55 «Қалбим уйғон, меҳнат учун...» Телевизион ҳужжатли фильм. 11.55 СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари съездининг очилиши. 14.00 С. Прокофьев. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 1-концерт. 14.45 «Жала». Телевизион бадиий фильм. 15.50 «Россия тароналари» телерадиотанловининг совриндори Людмила Николаева ижро этади. 16.00 Мультфильм. 16.20 Жаҳон халқлари ижоди. 16.55 Болалар соати. 17.55 «Ён дафтар». 18.00 ТСН. 18.15 «Бозор: танлаш пайти. 19.00 Мультфильм. 19.10 Гардемаринлар, олға». Бадиий фильм, 1-серия. 21.10 Футбол шарҳи. 21.40 Спорт кўрсатувлари. 22.40 ТСН. 22.55 Хоккей. Канада кубоги... СССР — Швеция терма командалари. 01.30 «Кимсан? Нимасан?» 02.30 «Гардемаринлар, олға». Бадиий фильм, 1-серия.

• 3, сешанба

● ЎзТВ I

8.30 «Ахборот». 8.25 «Соғлом бўлай десангиз». 8.35 «Қўл бўйида». Бадиий фильм. 1-серия — «Ота». 10.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».

18.10 Мультфильмлар. 18.35 Болалар учун. «Юлдуз» рақсга тушади. 18.50 «Амалий давра суҳбати». Мирзачўлни ўзлаштиришга киришилганлигининг 35 йиллигига. 19.50 «Қрим тоғларининг кузги жамоли. Телефильм. 20.00 «Санъат олами». Мирзоҳид ва Адҳам Ашуровлар ижоди. 21.10 «Спортлото». 21.15 Миртемир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 22.25 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик видеоканал.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» студияси кўрсатади

18.05 «Ашхобод». Телефильм. 18.30 «Йўлингиз бехатар бўлсин!». 19.00 «Лаҳза». хабарлар. 19.10 «Шаҳар юмушлари». 19.30 «Мамлакатимиз шаҳарлари бўйлаб». Кинопрограмма. 21.10 «Йўл бўлсин!». Бадиий фильм.

● МТ—«Орбита-4»

8.35 Болалар соати. 9.35 «Гардемаринлар, олға». Бадиий фильм, 1-серия. 10.50 Хоккей. Канада кубоги. СССР — Швеция терма командалари. 1-давр. 11.45 Хоккей. Канада кубоги. СССР — Швеция терма командалари. 2 ва 3-даврлар. Танаффус пайтида (12.25) — Биржа янгиликлари. 13.20 Мультфильм. 13.45 «Телемикст». 14.40 «Командировка». Бадиий фильм, 1-серия — «Наталья». 15.45 А. Шнитке. Фортепьяно ва торли оркестр ижроси учун концерт. 16.10 «ХХ аср рус живописи» туркумидан телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 16.35 «Болалар мусиқий клуби». 17.20 «Чемпионлар билан биргаликда». 17.35 «Эски таниш-ларнинг оилавий хроникаси» туркуми таништирилади. 17.55 «Ён дафтар». 18.00 ТСН. 18.15 «Нуқтаи назар». «Публицист» студиясининг мунозара клуби. 19.00 «Қизиқувчилар олами». 19.15 «Гардемаринлар, олға». Бадиий фильм, 2-серия 21.10 Останкино концерт студиясида ёзувчи Т. Зулфиқоров билан учрашув. 22.35 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон. 22.55 Хоккей. Канада кубоги. Канада — АҚШ терма командлари. Танаффус пайтида (23.35) — Биржа янгиликлари. 01.10 «Гардемаринлар, олға». Бадиий фильм, 2-серия. 02.20 «Лаҳзалар». Фильм-балет.

• 4, чоршанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.25 «Соғлом бўлсай десангиз». 8.35 «Қўл бўйида». Бадиий фильм, 2-серия — «Қиз». 9.55 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради. 10.25 «Элга хизмат: талаб ва таклиф».

18.10 «Футбол майдонларида». 18.55 «Ёшлик оқшоми». 19.50 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 20.00 «Камолат-90» танлови совриндори Абдужаббор Латипов куйлайди. 21.10 «Навоийшунослар ёди...» Адабий кўрсатув. 22.25 «Оила».

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» студияси кўрсатади

18.05 «Ранглар жилоси». Телефильм. 18.30 «Мусиқали меҳмонхона». 19.00 «Пульс». Хабарлар. 19.10 «Йигит ва қиз». Бадиий фильм. 20.20 Телефильм. 21.10 «Осиё овози». Халқаро оммавий қўшиқ ва мусиқа кўрик-танлови. 22.10 «Кинонигоҳ».

● МТ—«Орбита-4»

8.30 «Болалар мусиқий клуби». 9.15 «Чемпионлар билан биргаликда». 9.30 «Гардемаринлар, олға». Бадиий фильм, 2-серия. 10.40 Мультфильм. 10.50 Хоккей. Канада кубоги. Канада — АҚШ терма командалари. 1-давр. 11.45 Хоккей. Канада кубоги. Канада — АҚШ терма командалари. 2 ва 3-даврлар.

14.45 «Командировка». Бадиий фильм, 2-серия, Шурочка, Петя Шутов ва бошқалар». 15.50 «Унутилган кемалар тақдири». 16.20 «Биржа учувчиси». 16.30 Болалар соати. 17.30 Мультфильмлар. 17.55 «Ён дафтар». 18.00 ТСН. 18.15 «Планета». 19.00 «Қизиқувчилар олами». 19.15 Мультфильм. 19.25 «Гардемаринлар, олға». Бадиий фильм, 3-серия. 21.10 «Эски таниш-ларнинг оилавий хроникаси». «Света». 1 ва 2-фильм-лар. Танаффус пайтида (21.55) — Долзарб репортаж. 23.00 ТСН. 23.20 Н. Гнатюк куйлайди. 24.00 «Парадиз-коктейль». 01.00 «Гардемаринлар, олға». Бадиий фильм, 3-серия. 02.05 «Варлам Шаламов. Бир неча умрларим» Ҳужжатли фильм.

• 5, пайшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.25 «Соғлом бўлай десангиз». 8.35 «Болагигим — гулбаҳор». Болалар учун концерт. 9.10 «Ижод саҳифалари». Шоислом Шомуҳамедов.

18.10 Мультфильмлар. 18.25 «Алифбо сабоқлари». II босқич. 19.00 «Обуна-92». 19.50 «Тилга эътибор...» 21.10 Узбек классик куй ва қўшиқларидан концерт. 22.25 «Бир спектакль тарихи». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида «Алишер Навоий» спектаклининг яратилиши ҳақида. 23.15 «Флорида». Мусиқий видеофильм премьераси.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» студияси кўрсатади

18.05 «Қизиқарли учрашувлар соати». 18.50 «Каноп гуллайверади». Телефильм. 19.10 Кичик концерт. 19.30 «Бу оқшомда». 21.10 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми.

● МТ—«Орбита-4»

8.35 Болалар соати. 9.35 «Гардемаринлар, олға». Бадиий фильм, 3-серия. 10.40 «Эски таниш-ларнинг оилавий хроникаси». «Света». Телевизион ҳужжатли фильм. 1-фильм. 11.45 ИИВ маълумотларига кўра... 12.00 «Эски таниш-ларнинг оилавий хроникаси». «Света». Телевизион ҳужжатли фильм. 2-фильм. 12.50 «Ишчан чопар».

13.50 «Телемикст». 14.35 ТСН. 14.45 «Командировка». Бадиий фильм, 3-серия — «Қайтиш». 16.00 «ХХ аср рус живописи» туркумидан телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 16.30 «Экология. Жамият. Инсон». 17.15 Сиёсий мулоқотлар. 18.00 «Ён дафтар». 18.05 ТСН. 18.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.00 «Қизиқувчилар олами». 19.15 «Гардемаринлар, олға». Бадиий фильм, 4-серия. 21.10 ИИВ маълумотларига кўра... 21.25 «Каракалла маликалари». Опера мусиқаси юлдузлари концерти. 23.00 ТСН. 23.20 Поэзия Есенинга бағишланади. 00.20 СССР Давлат телерадиоси рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти. 01.10 «Гардемаринлар, олға». Бадиий фильм, 4-серия.

• 6, жума

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.25 «Соғлом бўлай десангиз». 8.35 «Олатов жилолари», «Кўнгурлик мусаввир». Телефильмлар. 9.00 «Жанговар машина экипажи». Бадиий фильм. 10.05 «Замандас». 11.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

18.10 Мультфильм. 18.30 «Замин саховати». 19.00 «Китоб ва китобхон». Алишер Навоий асарларининг нашр этилиши ҳақида. 19.50 «Бир ҳарф ўқитмиш ранж ила...». Адабий кўрсатув. 21.10 Биржа янгиликлари. 21.25 Эркин Раҳимов ва Гулчеҳра Тошпўлатовалар концерти. 22.25 «Деҳқон ва замин». Мирзачўлни ўзлаштиришга киришилганлигининг 35 йиллигига бағишланган махсус кўрсатув.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.05 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами. 19.00 «Пульс». Хабарлар. 19.10 Кичик концерт. 19.30 «Ҳужжатли фильмлар экрани». Кинокўрсатув. 20.15 Биржа янгиликлари. 21.10 «Кинонигоҳ».

● МТ—«Орбита-4»

8.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 9.20 «Гардемаринлар, олға». Бадиий фильм. 4-серия. 10.35 «Москва ва Лондондаги икки оила ҳаётидан бир неча эпизодлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 11.55 Тижорат кундалиги. 12.00 «Парадиз-коктейль».

14.35 ТСН. 14.45 «Голиблар». 15.35 Операда ўйнаймиз. Н. Мусоргский. «Болалар». 16.00 «Ён дафтар». 16.05 «Инсон ва қонун». 16.50 «Шерик». 17.20 Хоккей. Канада кубоги. СССР — Финляндия терма командалари. Танаффус пайтида (18.00) — ТСН. 19.30 «Ер — она масканимиз». Телевизион фототанлов. 19.35 «ВИД таништиради: «Мўъжизалар майдони». 21.10 «ВИД» таништиради. 00.25 ТСН. 00.45 Хоккей Канада кубоги. СССР — Финляндия терма командалари.

• 7, шанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».

9.00 «Мария ва Мирабелла Транзисторияда». Бадиий фильм. 10.10 «Шахмат мактаби». 10.40 «Дўстлик» студияси кўрсатади. 12.35 «Чорвадор». 13.05 «Билимдон мунажжим». Болалар учун эртак. 14.05 «Қадрият».

18.00 Усмирлар учун «Тенгдошлар». 18.50 «Кино мухлисларидан мактуб». 19.45 Оқшом эртаклари. 20.00 Андижон вилоят Жалолқудуқ ноҳияси «Наво» мақом дастасининг концерти. 21.10 «Санъат усталари». Ўзбекистон ССР халқ артисти Раҳима Мазоҳидова. 22.00 «Ҳафтанома». 23.00 «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари».

● ЎзТВ II

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

9.00 «Дўстлик экрани». Ашхободдан кўрсатув. 10.00 «Болалигим ўтган кўл». Ҳужжатли фильм. 10.10 «Қалбим наволари». Мусиқий кўрсатув. 11.10 «Қора тоғ». Бадиий фильм. 12.35 «Умид». Уйғур тилида кўрсатув.

18.05 **Ашхобод кўрсатади.**

● МТ—«Орбита-4»

6.00 Ҳужжатли фильм. 6.20 Мультфильмлар. 7.00 «Оҳ-воҳлар, ҳазил-мутойибалар». 7.30 Ритмик гимнастика. 8.00 ТСН. 8.20 «Сиз яратган боғ». 8.50 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.20 «Кечиккан севги». Фильм-спектакль. 11.35 «Маринеско». Ҳужжатли фильм премьераси. 12.35 «Мусиқий дўкон». 13.05 Мультфильмлар. 13.35 Рус халқ чолғулари оркестри учун ёзилган асарлар антологиясидан. 14.35 ТСН. 14.50 «Давид ва Голиаф». Телевизион бадиий фильм премьераси. 16.00 «Ромео ва Жульетта». П. И. Чайковский мусиқасига яратилган фильм-балет. 16.20 «Ўз-ўзингга мадад бер». 17.05 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 12-серия. 17.30 «Мангу муҳаббатга сазовор мамлакат». Москва — Кремль. 1-фильм. 18.05 В. Добринин ижросида қўшиқлар. 18.30 Режиссёр М. Захаров фильмлари. «Аждаҳони ўлдириш», 1 ва 2-серия-лар. 21.10 Футбол. СССР чемпионати. «Торпедо» — «Днепр». 2-тайм. 21.50 «Бот шоу-91». 00.35 «Аждаҳони ўлдириш». Бадиий фильм, 1 ва 2-серия-лар.

• 8, якшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ҳафтанома». 9.00 «Биргаликда куйлаймиз». 9.30 «Саломат бўлинг!» 10.10 «Диққат, тошбақа». Бадиий фильм. 11.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Кувноқ стартлар». 12.10 «Тадбиркорлар». 12.40 «Дўстлик ришталари». Мусиқий кўрсатув. 13.35 «Наманган ғазокати».

18.00 Болалар учун. «Кичкинтой» кўрсатуви. 18.30 «Киноанжуман таассуротлари». Кинокўрсатув. 19.50 «Хотира». Ўзбекистон халқ шоири Миртемир. 21.10 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 22.25 «Аршин мал-алон». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

9.00 «Дўстлик экрани». Уфа шаҳридан кўрсатув. 9.55 «Таллин ҳайвонот боғида». 10.25 «Дўстларимиз даврасида». 11.55 «Бор-йўғи бир умр». Бадиий фильм. 13.20 «Дўстлик тароналари».

17.05 **Душанбе кўрсатади.**

● МТ—«Орбита-4»

7.30 «Формула-С» 8.00 ТСН. 8.20 «Спортлото». 8.35 Мультфильм. 8.50 «Эрта саҳарлаб». 9.35 «Ватан хизматида». 10.35 «Тонг юлдузи». 11.35 «Саёҳатчилар клуби». 12.35 «Қишлоқ янгиликлари». 13.35 «Россия тароналари» телерадиотанловининг совриндори «Реликт» вокал триоси ижро этади. 13.45 «ПИ» белгиси билан». 14.45 «ПИ» белгиси билан» кўрсатувининг давоми. 15.30 «Марафон-15». 16.30 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. Шотландия эртаги. 16.35 Мультфильм. 16.45 «Халқаро панорама». 17.30 Шеърият лаҳзалари. 17.40 «Уолт Дисней таништиради...» 18.30 «Швеция телевидениесининг оқшоми. 21.10 Футбол. СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Киев). 2-тайм. 21.50 Швейцария телевидениеси оқшомининг давоми.

ГУРУНГ

ТОМОРҚАДА ГАП КЎП

Бозор иқтисодиёти сари қўйилаётган дастлабки қадамлар барчамизнинг имкониятларимизни намоён этди. Бу сиёсат самараси, айниқса, қишлоқ жойларда тез кўзга ташланмоқда. Ўзингиз ўйлаб кўринг: қишлоқда яшаб, саккиз-тўққиз сотих ери бўлиб, район марказидаги бозордан мева-чева харид қиладиган деҳқон бозор рақобатига дош бера оладими? Йўқ, асло.

Биз аввало одамларни ўз шахсий томорқасида ишлашга ўргатишимиз зарур. Негаки, қишлоқларда кейинги пайтда деҳқончилик маданияти, тадбиркорлик деган тушунчалар умумий гапга айланиб қолган эди. Бугунги кунга келиб амалий меҳнатга, уддабуронликка эҳтиёж ниҳоятда ошиб кетди. Хайриятки, орамизда ана шундай фазилатли кишилар бор экан.

Бўрибой ака Кўбаевни жамоа хўжалигимизда барча танийди. Табаррук ёшдаги отахон азалдан чавандоз, боғбон бўлгани учун меҳнатдан толмайди. Бўрибой ота ўтган йили Пой канали юқорисидаги икки гектар ташландиқ жойни сўраб олди. У ўз ҳисобидан ўша ерни текислатди, каналга ихчам насос ўрнатди, серҳосил олма, ўрик, нок, шафтоли ниҳоли топиб келди. Боғ икки йилда жаннатга айланди. Ҳатто айрим дарахтлар нишона қилди.

Фақат бугина эмас, отахон ўз фарзандларини ҳам меҳнат қилишга, деҳқончиликдан кун кўришга ўргатди. Бундан ўн олти йил илгари тўнғичи Ҳакимнинг ҳовлисига 40 туп ёнғоқ экган эди. Ҳозир ана шу дарахтлар ҳосилга кирган. Иккинчи ўғли Абдували ўз томорқасида ғарқ пишиб турган 40 туп шафтоли учун падари бузрукворига ҳар куни ўн марта раҳмат айтади. Митанбойнинг ҳовлисида эса узум, олмурут ва олма пишиб ётибди.

Абдумурод Бухоров ҳам Бахрин қишлоғидаги савобталаб кишилардан. У хўжаликнинг дашт қисмидан тўрт гектар ерни боққа айлантирди. Ўз ҳисобидан сув чиқарди, кўчат ўтказди, йўл қилди. Ниҳолларнинг кўпчилиги бир-иккитадан бўлса-да ҳосил берди.

Дарвоқе, одамлардаги меҳнатга бўлган иштиёқ пудрат усулини ривожлантиришга ёрдам беряпти.

Қишлоқдан мактуб

Бугунги кунда хўжалигимизда 150 та пудратчи звено ташкил этганмиз. Н. Жумабоев, А. Худойбердиев, С. Беккулов, С. Пардаевга биркитилган майдонларда ғўзанинг авжи яхши. Айрим тупларда 10—12 та, ҳатто 18 тагача кўсак санаш мумкин. 11 та пахтачилик бригадасининг учтаси пудратга ўтган. Т. Беккулов, Р. Мардиев, Т. Эргашев, М. Синдоров бошлиқ бригадалар юксак марраларни кўзлашаётир.

Ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Аммо қишлоқда ҳалол меҳнат қилганнинг ошиғи олчи. Мисол учун, бригада бошлиғи М. Синдоров оиласини олиб кўрайлик. Ўтган йили рўзғор бошлиғи 2940 сўм, хотини, звено бошлиғи Шакарой 4665 сўм, қизи Дилором 1564 сўм, ўғли Бобур 1926 сўм даромад қилишди. 10 сотих шахсий томорқадан бир тонна майиз олишди. Жами даромад 21 минг сўмдан ошиб кетди. Бунинг устига еганичганлари текин... Мева-чева, сабзавот томорқадан чиқади. Ўн товуқ, битта сигир, иккита буқа, битта бузоқ боқишяпти.

Шу ўринда бир мулоҳазам бор. Президентимиз аҳолига чорва моллари сотишга рухсат берди. Менимча буни фақат муҳтож кишиларгагина бериш керак. Минг афсуски, айрим жойларда бошқарув аъзолари, ўзига тўқ одамларга ҳам мол тарқатишяпти. Ваҳолонки улар сигир ёки бузоқни, қўй ёки товуқни истаган вақтда сотиб олишга кучлари етади. Биз чорва моллари тарқатишда ўзини таъминлай олмаётган оилаларга кўпроқ қарашдик.

Назаримда томорқани қўлидан иш келадиган деҳқонларга топшириш лозим. Шу йилнинг ўзида 115 оилага ер бердик. Кўпчилик томорқасига маккажўхори экиб ташлаган. Қурилиш материаллари қиммат, боз устига топилмайди. Бир метр пахсанинг нархи 9—10 сўмга чиққандан кейин оддий деҳқон учун уй қуришга йўл бўлсин. Эҳтимол, биз бундай муаммо устида олинроқ бош қотиришимиз керак бўлгандир.

Деҳқончиликни-ку йўлга қўйяпмиз, қишлоқда техника масаласи жуда оғир. Томорқаларда ишлатиладиган ихчам ускуналар йўқ.

Ҳозир ҳар қалай қишлоқларда ноз-неъмат бор. Одамлар ўз томорқасидаги нарсаларни бозорга олиб чиқишга эринишади. Шундай пайтда тайёрлов идоралари вакиллари қишлоқларга чиқиб, хонадонлардан белгиланган кунларда мева-чеваларни, сабзавотларни йиғиштириб олиб, дўконларга чиқаришса нур устига аъло нур бўлур эди.

Демоқчиманки, қишлоқда яшайдиган ҳар бир киши ўзининг томорқасига, чорва хўжалигига эга бўлсин. Уларни ривожлантириш учун ҳамқишлоқларимизга имкониятлар яратайлик. Шундагина дастурхонимиз тўкин бўлади.

И. УМИРОВ,
Пайариқ районидаги «Ленинград» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси, район кенгаши депутати.

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИДАН

Эрур аҳли ҳунар қошида ҳунар,
Айб ёпмоқ, доғи ҳунар топмоқ.
Ҳунарин элнинг ошкор этмоқ.
Йўқ эса бори айбини ёпмоқ.

НАВОИЙ

Билимни буюк бил, ўқувни чуқур,
Бу иккиси бирла ғофил уйғонур
Ўқувни тушунар ҳам билимли бўлар,
Билимли ўқувли тилакка етар.

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ

Мингбулоқ анчагина узоқ тарихга эга қишлоқ. Унинг ёшини баъзилар 500 йилдан ҳам зиёд дейишади. Шу боисдан ҳам мингбулоқликлар ўзларининг кўҳна масканлари билан фахрланишади. Уларнинг фахрланишларига арзийдиган бошқа томонлар ҳам бор. Узоқ умр кўриб қўша қариган пиру-бадавлат табаррук отахонлар, мунис онахонлар яшашади бу ерда. Шулардан бири 106 ёшли Турдиали ота Дадабоев ҳам шу масканнинг обрўли фарзанди. У узоқ йиллар мобайнида ҳалол меҳнат қилди. Катта Фарғона канали ва Фарҳод ГЭСи умумхалқ ҳашарларида фаол иштирок этди. Унинг ҳаётида ҳавас қиладиган бошқа жабҳалар ҳам мўл бўлди. Андижон вилояти Комсомолобод районининг шу қишлоғида истиқомат қилаётган табаррук отахоннинг хайрли ишларини эндиликда унинг фарзандлари давом эттиришяпти.

Суратда: Турдиали ота умр йўлдоши Ҳафизахон ая ва тўнғич ўғли Абдуллажон акалар билан.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

• Шифобахш гиёҳлар

ТОҒРАЙҲОН

Тоғрайҳон ўлкамиз ўсимлик дунёсини бойитиб турган шифобахш гиёҳлардан саналади. Бу ўсимлик кўп йиллик бўлиб қирлар, ўрмонлар, ўтлоқларда кўплаб учрайди. 30—80 сантиметргача бўй беради. Атрофга хушбўй ҳид таратади. Пояси тўрт қиррали бўлиб, юқори қисми шохлайди. Барглари тухумсимон, гуллари майда, тўп-тўп жойлашади. Оддий тоғрайҳон, қора тоғрайҳон, ўрмон ялпизи, райҳон, себинак каби жаъми 150 га яқин тури бор.

Гиёҳ таркибида эфир мойи, С дармондориси, ошловчи модда, уруғида эса 30 фоизга яқин ёғ бор. Ўсимликнинг пайдо бўлиши хусусида ривоятлар тарқалган. Жумладан, қадим замонларда бир камбағал қизнинг онаси вафот этгач, отаси уйланиб олибди.

У бадфеъл бўлиб, қизига зулм ўтказаркан. Шу боис бечора қизча йиртиқ-ямоқ кийимларда юришга мажбур бўларкан. Шунда ҳам унинг гўзаллиги кўпчиликнинг эътиборида экан. Эмишки, шамол маъбудасининг одам қиёфасидаги ўғли Зефир кунларнинг бирида қизни кўриб ошиқ бўлибди. Бироқ уларга бир-бирларига етишиш насиб этмабди. Чунки катта ака — шиддатли шамолга кенжанинг хоҳиши маъқул келмабди. У даҳшатга тушиб, ер юзидаги жамики нарсаларни супуриб ташлабди. Осмонда қуёш кўринибди. Шамол шаштидан тушиб тин олибди. Шунда Зефир енгил эсувчи сабога, қиз эса райҳонга айланиб қолибдилар. Шундан буён майин шамол билан райҳон ўзаро шивирлашаркан. Шивиршивирлардан атрофга севги бўйи таралармиш....

Гиёҳ сифатида тоғрайҳоннинг барглари ишлатилади. Шунингдек, гули, шохчалари пазандаликда қўл келади. Бодринг, қўзиқорин, помидор тузлашда, қимизак (квас), пиво тайёрлашда қўлланилади. Майдаланган тоғрайҳон қуруқ меваларга, гуручга, кийимларга қурт-қумурсқалар тушишининг олдини олишда ишлатилади. Халқ табобатида дамламаси иштаҳа очиш, овқат ҳазм қилиш, асаб ва нафас йўллари хаста кишиларни даволаш омили сифатида фойдаланилади.

Дамлама ва қайнатма сифатида яра-чақаларга бозиллатма сифатида қўл келади. Болаларнинг рахит касаллигида ванна қилиш, ўткир ва сурункали меъда хасталигида, ярали қулунж, бронхит, шамоллаш, ўттош касаллиги, сафро ҳайдашда наф беради. Барингит, стоматит ва томоқ оғриғида оғиз чайқаш учун тоғрайҳон дамламаси ажойиб малҳамдир. Замонавий табобатда тоғрайҳон расмий равишда доривор ўтлар ҳисобига кирган. СССР, Австрия, Дания, Норвегия, Польша, Чехословакия каби мамлакатларда кенг кўламда ишлатилади. Олмонияда изтиробли йўтал олдини олиш, тинчлантирувчи ҳамда тутқаноққа қарши восита сифатида қўлланилади. Шунингдек, қон босими ошганда, паришонхотирлик, буйрак ва жигар хасталикларига ҳам даводир.

Баъзи қўлланиш усуллари: икки ош қошиқда майдаланган ўтини икки стакан қайноқ сувга солиб, 30 дақиқа дамланади. Сўнг докада сузиб иккиуч қошиқдан кунига 3—4 маҳал овқатдан 15 дақиқа олдин ичилади. Ванна қилиш учун 300 грамм тоғрайҳон ўти 3 литр сувга солинади. Паст оловда милтиратиб, 20—30 дақиқа қайнатилади. Докадан ўтказиб ваннага солинади. Ўсимликнинг хосиятлари билан бирга нохуш томонлари ҳам бор. Чунончи, ҳомиладорлик, меъданинг гиперацид ҳолати, ўн икки бармоқли ичак яраси, қон босими бор кишиларга тавсия қилинмайди.

М. МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

• Янгиликдан хабарингиз борми?

ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ

● Нишон райони марказий касалхонасида диагностика маркази иш бошлади. Энди беморлар бу қулайликдан фойдаланиб вилоят маркази — Қарши шаҳрига қатнаш оворагарчилигидан халос бўлдилар.

Замонавий медицина асбоб-ускуналари Японияда келтирилди. У пахта тозалаш заводи юборган толадан тушган валюта ҳисобига сотиб олинди. Ультратовушли аппарат беморларнинг буйрак, жигар, бачадон, талоқ, қовуқ каби бутун инсон аъзосини кўринадан ўтказади.

Диагностика маркази бир йўла 40 кишини қабул қилади. Аппаратларни махсус тайёргарликдан ўтган шифокор жарроҳ Донийр Маҳмадиёров ва ҳамшира Меҳри Қурбоновалар муваффақиятли ишлатишмоқда.

МАГАЗИНДА КОРХОНА

● Қарши шаҳридаги хусусий «Саодат» магазини ҳузурида попон кийимлари тайёрлайдиган кичик корхона ишламоқда.

Унда 12 та тикув ва тўқув дастгоҳи ўрнатилган. Чеварлар сўзана, белбоғ, зардевор ва бошқа турли хил буюмлар тайёрлайдилар. Ҳар ойда ана шундай маҳсулотлардан 70 минг сўмлик ҳажмида тайёрланиб аҳолига сотиш мўлжалланаётир.

М. КАРОМОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

• Ботаника боғи—«Гурунг» меҳмони

Биласизми, Мамонт ниҳоятда ғаройиб дарахт. Унинг бўйи 150 метр. Пўстлоғининг қалинлиги 70 сантиметрга боради. Шундай йўғонлари ҳам борки, ҳатто тўнкасининг устида каттагина оила давра қурса бўлади. Ботқоқликларни қуритишда қўл келадиган Эвкалипт дарахти ҳам ўзича ажойиб. Унинг илдизи насосга ўхшаб ишлайди, барглари эса қуёшга қирра томони билан юзланганлигидан соя туширмайди. Виктория-регия дегани ҳам ўзига хос кўркам. Бу йирик сув ўсимлигининг барги баркашдек келади. Гули фақат икки оқшомгина очилиб, тусини оқ рангдан тўқ қизил ранггача тўрт марта ўзгартиради. Икки метрли япроғи устида эса 3 яшар бола гиламча устида ўтиргандек бемалол ўтириши мумкин. Бу ўсимлик Жанубий Америкада ўсади. Юқорида айтиб ўтганимиз — Мамонт дарахтининг ватани Шимолий Америка. Эвкалит дарахтининг ватани эса Австралиядир. Лекин бу ўсимликларни ҳозироқ томоша қилишингиз мумкин. Қандай қилиб дейсизми?

— Бунинг учун бизнинг боғимизга марҳамат қилинг, — дейди Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ф. Н. Русанов номли Ботаника боғи директори ўринбосари Асадулла Шарипов. — Мамлакатимиз, бутун ер курасининг ўсимлик бойликлари билан танишмоқчи бўлганларга боғимиз эшиклари очиқ. Бу ерда «дунё бўйлаб саёҳат» қилиш мумкин. Қизиқканлар Мамонтни ҳам, Эвкалипт, Виктория-регия, Африка пальмалари, альп лолақизғалдоқлари-ю, турли-туман ўсимликларни ва ҳатто, кофе дарахтини ҳам кўришлари мумкин.

Саксон гектарлик майдонни эгаллаган Ботаника боғида Ўрта Осиё республикалари, Европа мамлакатлари, Кавказ, Узоқ Шарқ ўлкалари, Шимолий Америка, Хитой ва Ўрта денгиз бўйидаги мамлакатлардан келтириб иқлимлаштирилган 5 минг 500 га яқин ўсимлик парвариш қилинмоқда. Ботаника боғи ўсимликларга бойлигининг сабабларидан бири бу ердаги боғбон-олимлар чет элдаги 375, мамлакатимиздаги 245 ботаника боғлари билан кенг алоқа боғлашган. Улар билан ҳамкорликда илмий-амалий ишлар ҳам йўлга қўйилган. Симпозиумларда, халқаро илмий конференцияларда ютуқлари билан ўртоқлашадилар.

— Шу кунларда ҳиндистонлик ҳамкасбимиз Инбер деган ўсимликни ойнабанд тажрибахонамизда синовдан ўтказяпти, — дейди Асадулла Ҳикматович. — Бу ердаги 700 тур ўсимлик боғимиздаги «энг нозиклар» ҳисобланади. Биз мавжуд майдонларимизни минтақаларга бўлиб, улардаги ўсимликларнинг «хоҳиш-иродаси»га катта эътибор берамиз. Негаки бошқа ўлкалардан келтирилган ҳар бир ўсимлик бизнинг шароитимизга, иқлимимизга тўла-тўкис мослашиши шуни талаб қилади. Жанубий Америкадан келтирилган ўсимликларга 9 гектар майдон ажратганмиз. Ҳозир бу ерда 500 тур ўсимлик парвариш қилинмоқда. Узоқ Шарқ ва Европа минтақалари ўсимликларига 4 гектардан ер ажратилган, уларнинг ҳар бирида 350 тур дов-дарахтлар яшнаб турибди. Хитойдан келтирилган 850 тур ўсимлик 9 гектар майдонни эгаллаган. 16 гектар ер ажратилган Ўрта Осиё бўлимида 300 тур ўсимлик парваришланиши билан бирга, бу ерда бир қанча лаборатория хоналари ҳам ташкил қилинган. Шундай хоналардан бирида 700 тур ўсимлик мавжуд бўлиб, бу ерда ўсимликлар системасига қараб жойлаштирилган. Биологик участкада эса ҳар бир минтақа ўсимликларидан «вакил»лар тўпланиб, бутун бир боғ ташкил этилган. Бу ерда ўқувчилар ва талабалар учун биология ва табиат фанлари бўйича дарс ўтишга имконият мавжуд. Гулчилик участкасида эса 700 тур ранго-ранг гуллар парвариш қилинади. Бугунги кунда гул етиштириш бўйича шу бўлимнинг ўзи 14 минг сўм фойда келтирмоқда.

Доривор ўсимликлар лабораториясида эса 400 тур табиий дорилар парвариш қилинмоқда. Етиштирилган ҳосил Чимкент дори-дармон заводига хом ашё сифатида етказиб берилмоқда.

Шу билан бирга республикамизда доривор навларнинг турларини кенгроқ тарқатиш мақсадида жойларда боғлар барпо қилинмоқда. Наманганнинг Поп районидаги Абу Али ибн Сино номли совхозда ташкил қилинган ана шундай боғда ҳозир 34 тур доривор ўсимлик униб-ўсяпти.

Яқиндагина ташкил қилинган саноат ботаникаси лабораторияси эса бугунги кунда энг хатарли экологик тангликнинг олдини олишга қаратилган. Бу бўлимда ҳаводаги заҳарли моддаларни кўпроқ ютадиган ўсимликлар синовдан ўтади. Чет элдан олиб келинган 2 минг тур ўсимлик устида алоҳида-алоҳида иш олиб борилмоқда. Буни қарангки, терак дарахти бошқа ўсимликларга қараганда ҳавони булғанишдан сақлашда кўпроқ фойдали экан. Бу, албатта дастлабки натижа. Келгусида олимлар ўзларининг муҳим бир таклифларини айтадиган вақт яқинлашди.

Боғ ходимларининг Ўрта Осиёда йўқолиб кетаётган ноёб ўсимликларни сақлаб қолиш лабораториясини ташкил этганликлари ҳам эътиборга лойиқ.

— Бухоро атастегаси деган ўсимлик Қизил китобга киритилган — йўқолиш арафасида турган ўсимлик эди, — дейди А. Ҳ. Шарипов. — Тадқиқотлар натижасида бу ўсимлик ер юзида фақат Сурхондарёнинг Шўроб ва Мочай қишлоқларида учраши аниқланди. Бу жойларда йўл қурилиши бошланган экан. Дарҳол вилоят ижроия қўмитасидаги ўртоқларга хабар қилдик. Уларнинг ёрдами билан мазкур ўсимлик сақлаб қолинди ва муҳофаза қилинмоқда. Дастлаб 1 минг 300 та эди. Яқинда ана шу ўсимликлардан яна бир туркуми топилди. Бугунги кунда улар ҳаммаси бўлиб 8 мингта эканлигини санаб чиқдик.

Ҳа, боғнинг боғбон олимлари ана шундай тинимсиз изланишда. Америкалик ўсимликшунос олим Кранковист «Дунёнинг йирик боғлари» номли китобида Тошкентнинг Ботаника боғини ҳам ноёб боғлар қаторида тилга олган. Ноёб боғнинг эса ташвишлари ҳам, режалари ҳам катта бўлади. Бу хайрли ишда ботаник олимларимизга омад ёр бўлсин, деймиз.

Қ. МУРОДОВ,
И. ҚОСИМОВ.

БИР ЖОЙДА БЕШ ҚИТЪА

НАСРИЙ МАСАЛЛАР

ОЛОВНИНГ АФСУСИ

— Бекорга чилдирмани сайратиб бериб ўтиргунча, даврага чиқиб, ўзим шу овозни чиқарсам бўлмасмиди? — афсусланиб дебди ўчоқдаги олов.

— Ғаразлигинг тутиб бунчалик тутамасанг! — ғижинди ўчоқ. — Ўзинг бўлолмайсан, бўлганни кўролмайсан!

ОСМОННИНГ УСТУНИ

— Нега бунчалик бурқсийсан, кўзимни ачиштириб юбординг-ку! — деди қумғон ўчоқдан чиқаётган тутунга.

— Кўп биқирламасдан жим тур, — ўшқирди тутун. — Мен кўкка кўтарилиб, осмонга устун бўлиб турмасам ҳолинг нима кечишини биласанми ўзи?

Қумғон зарда билан бир тўлғонганди, ичидаги суви ўчоққа тўкилиб кетиб тутуннинг нафасини ўчириб қўйди.

ҚУРУҚ САВЛАТ

— Нега бизларни айни бўй кўрсатган чоғимизда юлиб ташлашади-ю, сенларни бўлса авайлаб парвариш қилишади-а? — ажабланиб сўради чирмовиқ ўти ғўзапоядан.

Ғўзапоя истеҳзоли жилмайиб деди:

— Бировларнинг елкасига осилиб яшайдиган ортиқча юк, қуруқ савлатнинг кимгаям кераги бор дейсан, биродар!

Нормамат ТОҒАЕВ.

Сирдарё вилояти Ильич районидаги Ҳамид Олимжон номли хўжалигининг миришкор деҳқонлари бу йил ҳам полиз экинларидан мўл-кўл ҳосил кўтармоқдалар. Кенг пайкалларда етиштирилган ширин-шакар қовун-тарвузлар эл-юрт дастурхонига тортилмоқда.

Суратда: хўжаликнинг бўлим бошқарувчиси Жамолиддин Мирфайзиев ва моҳир полизчи Мираҳмад Йўлдошевлар ҳам ҳосил чўғидан мамнун бўлишяпти.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

СПОРТ

ҒАЛАБА КЕЛТИРГАН ТЎП

● Йирик мусобақаларга ҳозирлик кўраётган мамлакатимиз футболчилари ажойиб ғалабага эришдилар. Жумладан, СССР олимпиада терма жамоаси сафарда Норвегия футболчилари билан учрашиб, мавқеини яхшилади. Дарвозага биргина тўп киритилди. Футболчиларимиз ҳисобидаги очколар 4 тага етди. Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўраётган бу жамоамиз навбатдаги учрашувни 26 сентябрь куни Венгрия футболчилари билан ўтказади. Европа чемпионатига шайланаётган терма жамоа ҳам худди шундай ҳисобда зафар қучиб, 9 очко билан пешқадамлик мавқеини мустаҳкамлади. Улар ҳам сафарда Норвегия футболчилари билан учрашишган эди. Бу жамоа кейинги ўйинни 25 сентябрь куни ўз майдонида Венгрия футболчилари билан ўтказади.

ПЕШҚАДАМЛАР УЧРАШУВИ

● Биринчи лига жамоаларининг навбатдаги тур ўйинларида пешқадамлар ўзаро куч синашишди. Жумладан «Тилигул» футболчилари «Таврия» майдонида ютқазиб (1:2) қўйишди. «Таврия» ҳисобидаги очколар 35 тага етди. Иккинчи ўринда бораётган «Роторн жамоаси «Буковина» футболчиларини қабул қилиб (4:2), тилигулчилар қатори очколарини 37 тага етказди. «Ростсельмаш» ҳисобида ҳам 35 та очко тўпланди. 28 тадан очко жамғарган Фарғонанинг «Нефтянник» ва Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари сафар учрашувларини бой беришди. Фарғоналиклар «Уралмаш» (0:3), наманганликлар «Геолог» (0:1) майдонида ютқазишди.

ЖИЗЗАХДА «НОН» БАЙРАМИ

Шаҳар маданият уйида бўлиб ўтган анъанавий байрамда вилоят марказидаги маҳаллаларнинг ғолиб пазандалари тайёрлаган маҳсулотлар намойиш қилинди.

Расталарга қўйилган оби нонлар, сомсаю тортлар, патиру қатламаларга ҳакамлар ҳайъати аъзоларидан олдинроқ бу ерга тўпланган катта-кичик холисона баҳо беришди. Буни қарангки, Кўтарма ҳамда Тинчлик маҳаллаларидан Р. Очилова, Х. Шодиева, Д. Қосимова, Г. Муродова каби уй бекалари салкам 30 хилдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаб келишибди. Ҳайдарбек Абдужабборов ва Ҳамид Олимжон маҳаллалари пазандаларининг пиширган миллий таомлари ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Нон тарихига, қардош миллатларнинг нон ва нон маҳсулотлари, уларни тайёрлашга оид саволларга берилган жавоблар барчани қониқтирди. Хуллас, шаҳар партия ва ижроия қўмиталари томонидан уюштирилган кўрик танловда мағлублар бўлмади.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-36-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика— 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35,32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12 Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5811.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 22.30.
№ 169.

● Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12